Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 12 май, жума ◆ № 110 (13.670). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ТОШКЕНТ ГРЭСИНИНГ ҚУВВАТИ ОШДИ

Тошкент ГРЭСидан хушхабар олинди: станцияда олтинчи блок қуриб битказилибди. Янги блокнинг қозони монтаж қилиб бўлинди. У гидравлик синовлардан ҳам яхши ўтди. Қозонда соатига 500 тонна сув бугга айлантирилади. Сўнгра 140 атмосфера босимдаги буғ қувурлар орқали турбинага узатилади.

Маълумки, станция ҳар бир блокининг қуввати 150 минг киловатт бўлади, деб мўлжалланган эди. Лекин энергетика ускуналарининг мукаммаллиги, Таганрог, Харьков ва Ленинград машинасозлари пухта ишлаганликлари ҳамда монтажчиларнинг маҳорати туфайли ҳар бир блокнинг қуввати 160 минг киловатт бўлади. Демак, Тошкент ГРЭСидаги 8 блок ишга тушгач, унинг қуввати аввал кўзда тутилгандек, бир миллион 200 минг киловатт эмас, балки бир миллион 280 минг киловатт бўлади. Яъни лойиҳадагидан 80 минг киловатт кўп бўлади. Республика электростанцияларининг 1937 йилдаги қуввати шунча эди.

Ҳозир станцияда яна тўртта блокни қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. (ЎзТАГ).

ПАХТАКОР ЖАНГОВАР КУРАШГА!

Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйини катта совғалар билан кутиб олишга отланган республикамиз ишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва муборак йилда мамлакат ҳазинасига 4 миллион тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган пахтакорларимиз азиз диёримизнинг шон-шарафини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Экиш планини ошиғи билан бажарган галлакорларимиз табиат келтирган зарарнинг ўрнини тўлдириш учун бир неча ўн минг гектар ерга қўшимча уруғ сепдилар, сабзавотчиларимиз эртаги экинларни муваффақиятли экиб олмоқдалар, улар эл дастурхонига дастлабки маҳсулотларни ҳадя қилаётирлар. Пиллачиларимиз парваришни жадал усулда олиб бориб, қуртларни учинчи, тўртинчи ёшга киритиб қўйдилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ва чорвачилик соҳаларида ҳам бу йил катта зафарлар қучишимизга эўр ишонч бор. Ҳар ким шу мустаҳкам ишонч билан меҳнат қилмоқда. Ҳар кимнинг муқаддас орзуси Улуғ Октябрнинг ярим асрлик тўйини муносиб равишда нишонлашдан иборатдир.

Айниқса юбилейга бизнинг катта совғамиз пахта хирмонимиз бўлади. Ўзбекистонимизнинг мағрурлик билан тилга олинадиган «СССР нинг асосий пахта базаси» деган қўшимча номи бор. Пахта етиштирувчи республикалар орасидаги етакчи бўлган республикамиз ҳосилдорликни оширишда ҳам, ялпи маҳсулотни кўп етиштиришда ҳам бу йил чинакам етакчилик ролини ўйнаши керак. Шунинг учун ҳам пахтакорларимиз мўл ҳосил учун йил бошидан кенг фронт бўйлаб, курашга отландилар. Чигит экишга киришилган кундан то ҳозиргача давом этиб келаётган оғир об-ҳаво шароити уларнинг ғайрат-матонатини бўшаштира олгани йўқ. Қорақалпоғистон АССРдан бошқа деярли ҳамма областларда чигит экиш муваффақиятли тугалланди ҳисоб. Автоном республика деҳқонлари ҳам экишни яқин кунлар ичида тамомлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Илғор пахтакорларимиз оғир шароитда ҳам чигитни текис ундириб олиб, ғўза парваришини аллақачон бошлаб юборишдилар. Фарғона, Андижон, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё областларида 100 минг гектарга яқин ердаги ғўза яганадан чиқарилди, Андижон ва Фарғона областларининг ўзида 120 минг гектарга яқин ерда культивация ўтказилди. Жуда кўп колхоз ва совхозларда ғўза қатор оралаирини ишлаш оммавий тус олди. Тошкент областининг Оққўрғон районидаги хўжаликларда ғўза парваришида 600 агрегат, қатқалоқни юмшатишда 1000 га ҳар хил механизм ишлатилмоқда. Ноқулай обҳаво шароити оқибатларини тугатиш йўлида жасорат кўрсатиб қилинаётган бундай жонбозликлар ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин.

Ленин пахтачилик энг нозик ва мураккаб деҳқончилик эканлигини бир зум ҳам эсдан чиқармаслик керак. Пахтачилик шундай ишки, у вақт билан, вазиятнинг оғир-енгиллиги билан қаттиқ ҳисоблашиб иш кўришни талаб этади. Бундай карасак, баҳор охирлаб борялпти. Совур чиқиб, жавзс кирялпти. Ҳозирги кунлар пахтакор учун энг мураккаб ва масъулиятлидир. Шу неча-кундузда жойларда бўлиб турган ёмғир, сел дала ишларига катта халал бермоқда. Бир неча районларда анчагина ерни сел босиб, чигитни ювиб, ёш ниҳолни пайхон қилиб кетди. Жуда кўп район, колхоз ва совхозларда ерни қатқалоқ босиб, уруғнинг кўкариб чиқишига, кўкарган ғўзанинг эса ривожланишига халал бермоқда. Лекин бу қийинчиликлар олдида мутлаго саросимага гушмаслик керак. Ахир, ёғингарчилик, унинг нетидан бўладиган қатқалоқни энди кўраётганимиз йўқ-ку! Пахтакорларимизнинг мардлиги, миришкорлиги ҳам шундай оғир дамларни писанд қилмай босиб ўтишда, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратишлардадир.

Республикамиз пахтачилигида ҳозир хийла оғир вазият вужудга келганлигини айтмасдан бўлмайди. Далаларга бир назар ташлаклик. Жанубий районлардаги хўжаликларда ғўза парвариши нучаяйтириб юборилган бир даврда шимолий районларда ҳали чигит экиш давом этяпти. Кўп жойда ғўза гурокираб ўсаётган ҳолда, иккинчи бир ерда қачонлар экилган уруғ кўкариб чиқолмай қатқалоқ остида ётибди. Бундай кўриниш пахтачиликда жуда ёмон ҳол ҳисобланади. Экининг ола бўлса, ҳосилнг ярим бўлади, деган нақл бор. Агар ишимиздаги ана шу олдинма-кейинлик тез кун ичида йўқотилмаса, экиш узоққа чўзилган ва кўплаб далаларни қатқалоқ босган бу йилги шароитда нучатнинг ола бўлиш хавфи нучалди. Бу ҳаммани ташвишга солиши керак. Ҳозирги энг муҳим вазифа—тез кун ичида энг сўнгги картагача чигитни ташлаб, уни текис ундириб олишдан, қатқалоқни йўқотишдан, ғўза паоваришини ёппасига қизитиб юборишдан иборатдир.

Ҳаммадан муҳими, қатқалоққа қарши оммавий кураш олиб боришдир. Бунда механизацияга, фақат механизацияга таяниш керак бўлади. Универсал тракторлар ва тупроқни юмшатувчи бошқа хил механизмлардан оқкўрғонликлар каби унумли фойдаланмоқ зарур. Шу неча-кундузда ҳамманинг ўрни далада. Хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам, агрономлар ҳам ўз постларини далага кўчиришлари керак. Ҳосил тақдири ҳал қилинадиган дамларда партия, комсомол ташкилотлари оммани дала ишларига сафарбар этишда чинакам ташкилотчилик намуналарини кўрсатишлари лозим. Ҳар бир коммунист, комсомол аъзосининг етакчилик ролига, хўжалик бошлиқларининг раҳбарлик кобилиятларига, агроном ва мутахассисларнинг билим ва тажрибаларига, уларнинг ҳозирги долзарб пайтда қийинчиликларни енгиш учун қанчалик жонбозлик билан кураш олиб бораётганликларига қараб баҳо берилади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, тез орада республикамизнинг ҳамма район, колхоз ва совхозлари далаларида ишлаб ғўза нўнатлари ҳосил бўлсин.

Илғорлар ва новаторлар бошлаган ташаббус ҳар бир ишда катта мадад бўлади. Сирдарё областининг механизаторлари «Малик» совхозига ингилишиб, бу йил пахтачилика комплекс механизацияни янада нучайтириш ҳақида кенгашдилар. Бу олижаноб ҳаракат республикамиздаги барча механизаторларнинг оммавий ҳаракатига айланмоғи керак. Айниқса юбилей йилида мўл ва арзон пахта етиштириш, 1,5 миллион тонна ҳосилни машинада теришда сирдарёликларнинг ташаббуси катта қимматга эгадир.

Бутун куч, техникани пахта далаларига сафарбар этиб, ғўза парваришини нучайтирайлик. Пахтакор ва механизатор, мўл ҳосил учун жанговар курашга!

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

● Фарғона пойафзал фабрикаси йил бошидан бери пландан ташқари олти ярим минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарди. Бу маҳсулотнинг ярми тежалган хом ашёдан тайёрланди.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига ҳар бир ишчи меҳнат совғаси тайёрламоқда. Илғор бичиқчи Анна Богомолова тўрт ярим минг квадрат дециметр, бичиқчи Ғунча Мадалиева қарийб уч минг тўрт юз квадрат дециметр хромни тежаб қолдилар. Фабрика ишчилари Совет давлатининг юбилейи кунигача яна камида 55 минг квадрат дециметр хромни тежаб қолишга сўз бердилар.

● Сурхондарё областидаги Гагарин номли наслчилик заводи чўпонлари барра пиёз, редиска, эртаги карам ва бошқа хил сабзавот билан ҳозир етарли миқдорда таъминланиб турибдилар.

Бу ерга сабзавот автомашиналарда мунтазам равишда етказилиб турибди. Сабзавотни М. Бердиев бошлиқ махсус бригада хўжаликнинг марказий қўрғонида етиштирмоқда. Узбекистоннинг жанубидагина ўсадиган барча сабзавот бу ерда парвариш қилинмоқда. Кўшни участкада эса Т. Чориев бригадаси мева боғини парвариш қилмоқда. Наслчилик заводининг чорвадорлари ана шу боғнинг меваси дан ҳам фойдаланадилар.

● Сурхондарё областидаги чорвадор колхоз ва совхозлар Сурхондарё ва Шеробод водийларида биринчи беда ўримига киришдилар. Бу ерда бедадан мўл ҳосил етиштирилди. Ёмғир тез-тез ёғиб турганлиги туфайли тупроқ яхши намланди. Усимликлар авж олиб ўса бошлади. Механизаторлар биринчи ўримдаёқ ҳар гектар ердан 30 центнерга етказиб кўк масса йиғиштириб олмоқдалар.

● Иштихон районининг кооператорлари тўртта йирик қишлоқда кўкламги ярмарка ташкил қилдилар. Бундай ярмаркалар Митан, Лоиш, Янгиқўрғондаги бозорларда очилди. Харидорлар кўпгина бежирим газлама, шойи газлама, тайёр кийим-кечак, ёзги пойафзал сотиб олишди.

Ургут, Нарпай ва бошқа районларда ҳам кўкламги ярмаркалар ўтказилмоқда.

БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИ ПРОБЛЕМАСИ

Ўзбекистон корхоналари ва муассасаларини янги кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш бўйича республика комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев раислигида давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини янги иш режимига ялпи ўтказиш соҳасидаги навбатдаги вазифаларни муҳокама қилди.

Ишчи ва хизматчиларни янги иш режимига ўтказиш тўғрисида ВЦСПСнинг асосий кўрсатмалари тўғрисида комиссия аъзоси — Ўзбекистон Касаба союзлари Советининг Раиси М. А. Зоировнинг, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан қилинган ишлар ва ўтказилган тадбирлар ҳақида министрликлар ва марказий идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).



Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг механизаторлари бу йил «дала малинаси»дан мўл ҳосил олиш ва 4 минг тоннадан ортиқ силос бостириш ҳақида сўз беришган. Ҳозир 100 гектарли участкадаги экин культивация қилиняпти ва механизмлар ёрдамида озиқлантириляпти. Суратда: механизатор Е. Корнеенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДЎСТЛАР ҲУЗУРИДА

БУРГАС, 11 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Қора денгиз соҳилидаги Бургас шаҳрига сафар қилди. Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков ва Болгариянинг бошқа раҳбарлари делегацияга ҳамроҳ бўлдилар.

Машиналар Болгария химиясининг тўнгичи ва гиганти, болгар — совет дўстлиги фарзанди бўлган нефть-химия комбинати ёнига етиб келади. Бу ажойиб корхона Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами ва совет мутахассисларининг иштироки билан қурилмоқда. Комбинатнинг биринчи навбати уч йил муқаддам ишга туширилди.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва совет мутахассислари завод ҳовлисида делегацияни самимий кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев ўзларини қардошларча кутиб олганлик учун партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари номидан уларга чин кўнгилдан ташаккур билдирди.

Совет партия-ҳукумат делегацияси ва делегациясига ҳамроҳ бўлган болгар раҳбарлар нефть-химия комбинатини кўздан кечирганларидан кейин Қора денгиз соҳилидаги улкан қўшли соҳил курортига томон йўл олдилар. Йўлда бора туриб, «Георгий Димитров васиятлари» меҳнат кооператив деҳқончилик хўжалиги составига кирувчи Ахелой қишлоғида бир оз тўхталиб ўтилди.

Қўшли соҳида Совет партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат берилди.

ПИЛЛАЧИЛАР АҲДИ

Андижон райони пиллачилари бу йил давлатга камида 510 тонна пилла етказиб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Районнинг барча хўжаликларида пилла қуртларини парвариш қилиш агротехника қоидалари ва илғор тажрибалар асосида яхши ташкил этилган. Қуртлар ҳозир 3-4 ёшга кириб қолди. Қуртларни боқиш райондаги Энгельс номли колхозда айниқса яхши йўлга қўйилган. Аввало пиллачилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Баргларни етказиб бериш учун етарли равишда транспорт воситалари ва ёрдамчи ишчи кучлари ажратилган. Қуртхоналар ҳар қандай ҳолатга ҳам қулай қилиб мослаштирилган. Колхозда барг етарли.

Колхознинг Тўхтабой ота Зокиров бошчилик қилаётган пиллачилик бригадасининг аъзолари қуртларни парвариш қилишда бошқаларга намуна бўляптилар. Улар ҳар бир кути қурт уруғидан пландаги 37 килограмм ўрнига ўрта ҳисобда 70 килограммдан пилла ҳосили олиш учун сўз беришган.

Шунингдек, колхознинг Аҳмаджон Усмонов, Абдуҳалил Акбаров, Абдулла Қаюмов ўртоқлар бошлиқ пиллачилик бригадаларида ҳам қуртларни парвариш қилиш қўнгилдагидек олиб бориляпти.

Колхознинг илғор пиллачилари ҳақида сўз юритганимизда Адолатхон Мақсудовани алоҳида мамнуният билан тилга оламиз. Бу моҳир пиллачи кўп пиллардан бўён пиллачилик звеносига бошчилик қилиб келяпти.

Адолатхон ўтган йили уч кути қурт уруғи боқиб, унинг ҳар бир кутисидан 117 килограммдан пилла ҳосили олди. Бу йил ҳам уч кути қурт уруғи олиб, уни меҳр билан парвариш қиляпти. Бу йил ҳар кути қурт уруғидан 120 килограммдан ҳосил олишга сўз берган. Ҳозир парвариш қилаётган қуртлар 4 ёшга кирди.

Районнинг Тельман номли, Куйбишев номли, «Коммуна» ва Карл Маркс номли колхозларида ҳам Адолатхон каби моҳир пиллачиларни кўплаб учратиш мумкин.

Р. КАРИМОВ.

АЖОЙИБ УЧРАШУВЛАР

Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида ажойиб учрашувлар давом этмоқда.

Декада қатнашчиларидан бир группаси Челекен ярим оролида бўлди. Ёзувчилар, композиторлар ва артистларимиз Каспий денгизи томон қурилган эстакадани кўрдилар. Ҳозирда ёқ ўн саккиз қудуқ денгиз остидан нефть бермоқда, ундан нарироқда, соҳилдан 25 километр нарида эса пўлат ороллар қад кўтарган. Челекен шаҳар маданият саройида бўлиб ўтган дўстлик кечасида нефтчилар, газчилар, химиклар ва ер ости бойликлари разведкачилари тўпланишди.

— Севги ва дўстлик туйғуларимиз кенса Каспий соҳилларидан дала ва заводларингизга, яшараётган пойтахтингизга етиб борсин, — дедди меҳмонларга мурожаат қилиб кенса нефтчи Ҳасан Ортиқов.

Композитор Шариф Рамазонов, ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография Давлат комитетининг раиси А. Қаюмов декада қатнашчилари номидан челекенликларни табриклашдилар.

Тошновоз, Кўҳна Урганч ва Калинин районлари колхозларининг меҳнатчилари СССР халқ артисти С. Қобулова ҳамда Ўзбекистон Давлат филармонияси артистларини даста-даста гуллар билан кутиб олдилар.

Ўзбек филармонияси симфоник оркестрининг Ашхободда берган концерти дўстлик концерти бўлди. Программада икки қардош республиканинг таниқли композиторларининг асарлари ва уларнинг Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган асарлари киритилган эди.

Ашхободдаги Пушкин номли рус драма театрининг «Севги тўғрисида 104 саҳифа» спектакли тоҳкентлик артист С. Аникина, Маҳтумқули номли театрнинг саҳнасида «Жизель» балетида ўзбек артисти С. Бурҳонов қатнашдилар.

Г. ЛИПШИЦ, С. ФРОЛОВА, (ЎзТАГ махсус мухбирлари).

Ашхобод шаҳри.

Ўзбекистонда Венгрия Халқ Республикаси декадаси олдидан

Будапешт. Дагай кўчасида қурилган янги уй-жой посёлкасининг Вацн проспекти томондан кўринниши.



Тиссапалконидаги иссиқлик электр станцияси. Бу корхона тўла ишга туширилгандан кейин кўмир шахтасида ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

ҲАМКОРЛИКДА

СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида ўзаро товар етказиб бериш тўғрисидаги битимга биноан 1967 йили ўтган йилдагига қараганда 16 процент кўп миқдорда товар айирбошланади. Бу 1 миллиард сўмдан кўпроқ халқ хўжалик товарларидир. Венгрия давлат план комиссиясининг ташқи савдо бўлими бошлиғи Ласло Кевари Венгрия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо, иктисодий ва маданий-техника ҳамкорлиги тўғрисида берилган саволларга қуйидагича жавоб қайтарди.

САВОЛ: Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан тузилаётган узоқ муддатли савдо битимларининг аҳамияти нимадан иборат!

ЖАВОБ: 1961 йилдан бошлаб кейинги беш йил ичида беш йилликлар даврига тенг келадиган, беш йиллик муддатга мўлжалланган битимлар тузиш одат тусига кириб қолди. Ҳар йили ана шу битимлар чегарасида йиллик товар айирбошлаш юзасидан протоколлар имзоланади. 1965 йил октябрда Будапештда 1966—1970 йилларга мўлжаллаб тузилган савдо битимига биноан товар айирбошлаш ўтган беш йилдагига қараганда 70 процент кўпайтириляпти мўлжалланган эди. Бироқ, йил сайин товар оборот узоқ муддатли битимда кўрсатилганидагидек эмас, хатто йиллик протоколда мўлжалланганидан ҳам ошиб кетмоқда.

САВОЛ: Совет Иттифоқининг ташқи савдосида Венгрия қандай иштирок этяпти!

ЖАВОБ: Совет Иттифоқи ташқи савдо-сотиқда саноат жиҳатидан тараққий этган мамлакатлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бизнинг мамлакатимиз унинг савдо-сотиқ соҳасидаги шериклари орасида бешинчи ўринда туради. Бироқ, Венгриянинг айрим экспорт товарлари товар обороти контингентида анча устундир. Масалан, Венгрия Совет Иттифоқига четдан келтирилаётган дори-дармонларнинг 40 процентини, медицина асбоб-ускуналарининг деярли 35 процентини, мева ва сабзавот консерваларининг 30 процентини етказиб беради.

САВОЛ: Совет Иттифоқи Венгрия саноатини хом ашё билан таъминлашда жуда катта роль ўйнамоқда. Шу фактни айрим рақамлар билан изоҳлаб берсангиз.

ЖАВОБ: Маълумки, мамлакатимизда казиб чиқарилаётган хом ашё материалларидан фақат бокситгина ўз эҳтиёжимизни қондирмоқда. Шунинг учун ҳам Совет мамлакатидан етказиб берилаётган товарларнинг 70 процентга яқинини хом ашё материаллари ташкил этади. Биргина ўтган иккинчи беш йиллик мобайнида Совет Иттифоқидан ўн миллион тонна темир руداси, 2,8 миллион тонна домна кокси, 6 миллион тонна ёғоч материаллари ва 190 минг тонна пахта сотиб олдик. Бу йил бошқа хом ашё материалларини сотиб олиш билан бир қаторда Совет Иттифоқидан 296 миллион тонна темир руداси, 1,8 миллион кубометр ёғоч материаллари келтирамиз.

САВОЛ: «Дружба» нефтепроводи қурилгандан кейин мамлакатимизнинг нефтга бўлган эҳтиёжлари қандай қондирилди, Совет энергетика системасига бирлаштирилгандан кейин мамлакатимизнинг электр энергияси билан таъминланиши қай даражада яхшиланди!

ЖАВОБ: Маълумки, мамлакатимизнинг энергия билан яхшироқ таъминланишига жуда узоқ вақт мобайнида эришган бўлур эдик. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқидан 1967 йили 1,2 миллиард киловатт соат, келгуси йилда эса 1,5 миллиард киловатт соат электр энергияси келтирилади, бу йил «Дружба» нефтепроводи орқали мамлакатимиз корхоналарига 2,8 миллион тонна, 1970 йилга бориб эса, йилига 4 миллион тонна Совет нефти келади. Бундай миқдордаги электр энергияси ва нефть мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаши ҳаммага маълум.

* * *

Совет Иттифоқи ва Венгрия халқлари бахтли келажак — коммунизм сари дадил қадам ташлаб бормоқдалар. Улар буюк жамиятнинг ижодкорларидир. Шунинг учун ҳам Венгрия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқалар тўғрисида сўз кетганда, албатта, уларни қурилиш шериклари деб атаймиз. Шундан ҳам шундай.

МАРДЛИК ШАҲРИДА БИРИНЧИ КУН

Ўзбекистон меҳмонлари — Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ўн саккиз мамлакатнинг Москвадаги дипломатлари 11 майда республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов билан учрашдилар.

Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи суҳбат вақтида республиканинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар билан меҳмонларни таништирди. Ўзбекистон пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни ва пахта етиштириш жиҳатидан учинчи ўринни эгаллаб турибди. Республика ўз саноат маҳсулотини 91 та чет мамлакатга экспорт қилмоқда. Шундан кейин Р. Қурбонов ирригация масалаларига катта эътибор берди. Суҳбат вақтида Нидерландия элчиси Герард Беелартс Ван Блокланд шундай савол берди:

— Бошқа республикаларнинг территорияларидан ҳам оқиб ўтган дарёларда гидротехника иншоотларини қуришга тўғри келганида маҳаллий бинокорлар қай тарзда иш кўрадилар?

— Ўзбекистон ўз кучларини ана шу республикаларнинг кучлари билан бирлаштиради! — деб жавоб қайтарди Р. Қурбонов.

Дипломатлар Ўрта Осиёдаги улкан янги ирригация иншоотлари — Тўқтағул сув омбори қурилиши тўғрисида тасаввур ҳосил қилдилар.

Таиланд элчиси Прамот Чанчарен меҳмонлар номидан гапириб, Ўзбекистонга таклиф қилганлик учун гоят миннатдор бўлганликларини айтди ва самимий кутиб олганлик учун ташаккур изҳор қилди. У, Зилзиланинг зарбаларига мардона бардош берган тошкентликларга қойил қолганлигини айтди ва республика Министрлар Советининг Раисига мурожаат қилиб, тошкентликларга энг яхши истакларини топшириш сўради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи иқтисодий ва ички савдо вазирлиги ҳузуридаги Давлат комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Ш. Рашидов ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг котиби Ш. Ш. Ҳамроев ва бошқа раҳбар ходимлар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси элчиларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Уларнинг кўпи виставка стендлари ёнида тўхталиб, ўз таассуротларини блокнотларига ёздилар.

Р. Қурбонов элчилар билан суҳбат вақтида республика ҳукумати енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини қолоқ тармоқлар деб ҳисоблаётганлигини ва уларни жадал ривожлантириш учун тегишли чоралар кўраётганлигини элчиларга сўзлаб берди.

Шундан кейин меҳмонлар Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов билан учрашдилар. Ҳ. А. Асомов Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш чоралари тўғрисида, барча Совет республикалари кўрсатаётган ёрдам ҳақида сўзлаб берди. Дипломатлар шаҳарнинг янги кварталлари, зилзиладан зарар кўрган жойлар ва ҳозирги вақтда янгидан қад кўтарган районларни кўздан кечириб, бинокорларнинг иш самаралари билан танишдилар.

Кечқурун элчилар Алишер Навоий номидаги Ўзбек Академик Катта театрининг меҳмони бўлиб, «Спартак» балетини томоша қилдилар.

А. ЕРШОВ, Е. МАНОРОВ, (ЎзТАГ мухбирлари).

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига атаб ял-ял ёниб турган газламаларнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирадилар. Бу газламаларда бамисоли ўлкамизнинг чиройи акс этади. Суратда: шу корхонанинг рассомларидан Элла Кравцова ва Людмила Комарова иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

◆ ● ◆

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ НАКАЗЛАРИ БИЛАН

ТЕРМИЗ. Сайловчилар Жарқўрғон районидаги Минор қишлоқ Советининг депутатларига 150 дан кўпроқ наказ бердилар. Қўриқ ерда жойлашган узоқ участкага кўчиб борган қишлоқ меҳнатчилари «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи депутат Э. Йўлдошева бу ерда бошланғич мактаб очишга эришиш тўғрисида наказ берган эдилар. Кўп ўтмай, халқ сайлаб қўйган ана шу ванинниг талаби билан колхоз правлениеси бунинг учун типовой дала шийпонининг тўрт хонали биносини ажратди. Пахтакорлар яқин жойда эса, вақтинча дала шийпони қурдилар.

Депутат А. Одинаев пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун кўп иш қилди. У бошчилик қилган бригада ери жойлашган Гургур участкасида дала шийпони қурилмоқда. Газета ва журналлар етказиб бериш йўлга қўйилди, автодўкон тез-тез келиб турадиган бўлди.

Минор қишлоқ Советининг депутатлари ўнлаб конкрет ишларни бошлаб юбордилар. Юбилей йилида колхозчиларнинг 900 хонадони маиший эҳтиёжлари учун газ олади. Қишлоқ Совети аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ўзининг доимий назорати остига олди. Ҳозирнинг ўзидаёқ медицина пункти ва дорихона очилди, участка касалхонаси ҳамда тўғруҳона қуриш учун маблағ ажратилди. (ЎзТАГ).

ЙИЛИГА ЮЗ ДАМ ОЛИШ КУНИ

Икки дам олиш куни бўлган беш кунлик иш ҳафтаси совет халқининг жуда катта ижтимоий ғалабаси бўлади. ВЦСПСнинг шу йил март ойида бўлиб ўтган XII пленумида корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишчи-хизматчиларини беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Ана шундан кейин мамлакатимизнинг ҳамма ерида, жумладан, республикамизда ҳам меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг иқтисодий резервлари ва имкониятларини излаб топиш ҳамда ишга солиш учун тайёргарлик кучайтириб юборилди. Меҳнатни, ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли дам олишини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда.

ҚИСҚА ИШ ҲАФТАСИ

Юбилей йилининг ўтган ойларида қилинган ишлар республикамизда меҳнаткашларнинг ижодий активлиги мисли кўрилмаган даражада ортиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Ҳар куни юбилей олди мусобақасида эришилган зафарлар ҳақида қувончли хабарлар эшитмоқдамиз. Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейига тайёргарлик даврида икки дам олиш куни бўлган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш совет кишиларининг моддий ва маданий даражасини ошириш соҳасида қўйилган дадил қадам бўлади.

Ҳафталик иш соати илгаригича—41 соат бўлиб қолаверади. Лекин ишчиларнинг ўзлари меҳнат қиладиган корхона ёки ташкилотга қатнашлари, иш вақтида смена алмашиш учун кетадиган минутлар қисқаради. Шу тариқа ноўрин кетадиган вақт ҳар ҳафтада бир—икки соат камаяди. Агар буни йилга айлантириб ҳисоблайдиган бўлсак, меҳнаткашлар саккиз-ўн кун тежаб қоладилар демакдир. Ҳар ҳафтада сирасига икки кун дам олиш ишчи ё хизматчиннинг меҳнат қилиш жараёнида сарфлаган кучини тўлатўкис тиклаб олиш имконини беради. Бу эса пировардида, меҳнаткашларнинг ҳар томонлама ижодий ва маданий камолотга эришишларига яхши шароит яратади.

Беш кунлик иш ҳафтаси иқтисодий жиҳатдан ҳам афзалликларга эга. Бундай графикда ишлаш сменалар орасида иш вақтининг бекор ўтмаслиги, ҳатто қисқариши, ёнилғи ва электр энергияси харажатларини камайтириш, ускуналарни ремонт қилиш учун яхши шароит яратади. Бу эса меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш фондларидан самаралирок фойдаланиш имконини беради. Пермь ва Запорожье меҳнаткашлари, Иваново, Ярославль тўқимачилари, Рига, Ленинград ва Москва корхоналари, республикамизлаги бир қатор корхоналар икки дам олиш куни бўлган беш кунлик иш ҳафтасига кўчиш соҳасида муайян тажрибалар тўпладилар. Бир неча йил давомида республикамизда айрим корхоналар ана шундай тартибда ишлашга аста-секин кўчирилди. Ҳозирги вақтда эса Ўзбекистонда 80 дан ортиқ корхона беш кунлик иш ҳафтаси графиги бўйича ишлаб турибди.

Беш кунлик иш ҳафтаси графигида 9 тўқимачилик корхонаси ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги «ивановоликлар графиги» деб аталган режимга амал қилишяпти. Бу графикнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ишчилар ҳафтада икки кун дам оладилар. Шу тариқа ишланганда тунги сменалар камаяди. Яъни, ҳар ойда 6—12 тунги смена ўрнига фақат икки марта тунги сменада меҳнат қилинади.

Республикамиздаги 23 та пахта тозалаш заводининг асосий цехлари ишчилари «ленинградликлар графиги» деб аталган беш кунлик иш ҳафтаси бўйича ишлашяпти. Пахта тозловчилар ҳафтада 6 кун кундузги сменада, 5 марта кечқурунги ва тунги сменада меҳнат қилишади.

Республика корхоналарини беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш учун кенг равишда тушунтириш ва ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Ҳамма корхоналарда махсус комиссиялар тузилди. Улар 41 соатлик иш ҳафтаси графигига ўтиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бунда улар ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишинигина эмас, балки меҳнаткашларнинг дам олиши, ҳордиқ чиқаришини яхшилашни ҳам назарда тутдилар.

Корхоналар ишининг дастлабки таҳлили кўрсатадики, беш кунлик иш ҳафтаси мобайнида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсмоқда. дам олиш ҳамда ўқиш учун энг яхши шароит яратиб берилмоқда. Янги графикда ишлаган корхоналарда ишчиларнинг кетиб қолиши, ускуналарнинг бекор туриши, ёнилғи, электр энергия сарфи камайди. Беш кунлик иш ҳафтаси ёш болали оналарга айниқса катта қулайликлар яратиб беради.

ИБРАТ

Марғилон ипак комбинати коллективи беш кунлик иш ҳафтасига 1963 йилдаёқ кўчган эди. Янги режимда ишлашга ўтилганидан бир йил кейин корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1 процент ортди, ҳар бир ишчи тайёрлаган маҳсулот 2.7 процент кўпайди, ишга кечикиб келиш ҳоллари 0.8 процент камайди, норма бажарилишнинг ўртача кўрсаткичи 111.6 процентни ташкил этди. Кечки ишчи ёшлар мактабларида, техникумларда, институтларда ўқувчилар сони кўпайди.

М. ЗОИДОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари Советининг раиси.

□ □

Фарғона тўқимачилик комбинати 1963 йил 1 июнидан янгича ишлашга кўчган эди. Янги график бўйича ишлай бошлангандан кейин бу корхонада ҳам иқтисодий-техника кўрсаткичлар анча кўтарилди. Ишчилар маълумотларини ошириш, маданий дам олиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлдилар. Ҳафтада икки дам олиш куни бўлган саккиз соатлик иш кунига кўчиш натижасида корхона коллективи меҳнат унумдорлигини анча оширди ва ишчиларнинг ўртача маоши кўпайди. Коллективдаги 300 дан ортиқ ишчи етти йиллик планни муддатидан илгари бажарди ва ҳозирги вақтда юбилей йили планини адо этиш арафасида.

Янги режимда ишлашга кўчилганидан сўнг корхона маъмурияти ва касаба союз ташкилоти янги техника, комплекс механизация, техникавий жиҳатдан асосланган иш нормаларини жорий этиш, кадрларнинг малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқди ва унинг амалга оширилиши учун қайғурди. Комбинатда меҳнатни илмий асосларда ташкил қилишга жиддий эътибор берилянти. 80 кишидан иборат 6 та ижодий бригада тузилди. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг бешта плани ишлаб чиқилди. Ана шуларнинг жорий этилиши натижасида 10 минг сўмдан кўпроқ маблағ тежалди.

Фарғона тўқимачиларининг тажрибаси кўрсатиб турибдики, беш кунлик иш ҳафтаси коллектив фаолиятини такомиллаштириш имкониятларини очиб берди.

Ўзбекистон пахта тозалаш заводининг тажрибаси ҳам ибратлидир. Бу корхона беш кунлик иш ҳафтасига кўчганидан сўнг колок заводдан илгор корхонага айланди. Ташкилий-техникавий тадбирлар комплекси қисқа вақтда муваффақият билан амалга оширилди. Ана шу соҳада қилинган ишлар ижобий натижалар берди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ва бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон пахта тозалаш заводи коллективи Совет Иттифоқида биринчи ўринга чиқиб олди. Бунга меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларига амал қилинганлиги, жорий ремонтнинг муваффақиятли ўтказилганлиги, маҳсулот сифатини ошириб бориш учун зарур тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида эришилмоқда.

Ғиждувон пахта тозалаш заводи коллективи ҳам янгича графикда ишлашдан манфаатдор бўляпти. Республикамиз пахта саноатида биринчи бўлиб —1966 йил апрель ойида планлаштириш ва моддий манфаатдорликни оширишнинг янги системасига кўчган корхона ҳам Ғиждувон пахта тозалаш заводи эди. Бундай корхоналар пахта тозалаш саноати системасида кўпайиб колди.

ШОШМАШОШАРЛИК БЎЛМАСИН

Республика касаба союз ташкилотлари хўжалик раҳбарлари ва корхоналарнинг коллективлари билан биргаликда эндиликда яна ҳам жиддий тадбирларни амалга оширишлари зарур бўлиб колди. Беш кунлик иш ҳафтасига қўчиш шошқалоқлик билан қилинадиган иш эмас. Бунинг учун корхоналарда пухта замин тайёрлаш, корхона ишлаб чиқаришини, ишчиларни ана шу графикда ишлашга ҳозирлаш керак бўлади. Биргина мисол келтириб ўтмоқчиман. Янгийўл шаҳридаги кондитер фабрикаси шошма-шошарлик билан янгича графикда ишлашга кўчган эди. Ўтган йил май ойида бу фабриканинг икки цехи беш кунлик иш ҳафтасига кўчирилган бўлса-да, пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги оқибатида бир ярим ойдан кейин яна 6 иш кунлик ҳафта графигига қайтишга мажбур бўлинди. Бундай корхоналарнинг коллективлари янгиликка қўл уришларидан аввал узоқни кўзлашлари—ишчиларга ва коллективга манфаат келтирадиган шарт-шароитларни пухта ҳисоб-китоб қилиб кўришлари лозим.

Ишчи ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига муваффақиятли равишда кўчириш ҳамда ишлаб чиқариш планларининг кўнгилдагидек адо этилишини таъминлаш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарур. Энг аввало, ишлаб чиқаришни бир меъёрда ташкил этиш ва моддий-техника таъминотини намунали йўлга қўйиш керак. Бироқ, ҳали жуда кўп камчиликлар бор. Айниқса, планлаштириш ва таъминот масалаларида анчагина ишлар қилиш зарур. Корхоналарнинг бир қисми, қурилишлар бир меъёрда ишламаётганлиги, иш вақти бекор ўтаётганлиги, ишчи кучлари ва ускуналар бекор туриб колаётганлигига сабаб бўлаётган нарса ҳам аввало ана шудир.

Барча ташкилот ва идораларда хиамат кўрсатувчи автотранспорт шоферлари ишини тартибга солиш илгаригидек энг муҳим вазифа бўлиб колаверади. Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш даврида автомобиль ва трамвай-троллейбус графикларини шунга мослаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Меҳнат режими ва ишчи-хизматчиларнинг дам олишини ташкил қилиш соҳасидаги мавжуд қонунларга қатъий амал қилиш беш кунлик иш ҳафтасига ўтилганда айниқса алоҳида аҳамият касб этади. Хўжалик раҳбарлари—улар хоҳ министр, хоҳ цех бошлиғи бўлсин, бундан қатъи назар — ҳамма хўжалик раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари меҳнатни ташкил қилиш ва ишчи-хизматчиларнинг дам олишини намунали ташкил қилиш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишлари талаб этилади. Бу борада меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳим ўрин тутишини назар-эътиборга олиш керак.

Республика Госплани, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Моддий-техника таъминоти бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари, министрликлар, республика муассасалари, хўжалик ҳамда касаба союз ташкилотлари корхона ва қурилишларнинг бир меъёрда ишлаши, улар тўғри ва узоқни кўзлаб тузилган планларга асосланиб, иш кўришларини таъминлаш, хом ашё, материал ва буюмлар билан узлуксиз таъминлаб турилишларига эришиш лозим.

Маълумки, беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгандан сўнг сменаларнинг бошланиш ва тугаш вақти ўзгаради. Шу вақтгача сменалар айрим корхоналарда 7 соат ва баъзиларида 6 соатдан иборат бўлса, эндиликда 8 соат ва 8 соату 12 минутга узаяди. Кўпгина корхоналарда сменаларнинг узунлиги 7 соату 50 минут ёки 7 соату 40 минутни ташкил қилади. Нормалар ишлаб чиқилганда ва ишчи-хизматчиларнинг кундалик топшириқлари белгиланганда ана шу масалалар ҳам эътиборда бўлиши керак.

Шу тариқа ишчи ва хизматчилар бир йилда қарийб 100 кун дам оладилар. Бу, беш кунлик иш ҳафтаси ишчи ва хизматчиларга нима беришини кўрсатиб турибди. Янги графикда ишлашга кўчиш республикамиз меҳнаткашлари ҳаётида муҳим воқеа. Бу йириқ ижтимоий-иқтисодий тадбир меҳнаткашларнинг партия ва ҳукуматимиз ишлаб чиққан тадбирларни, беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун янги ғалабаларга руҳлантирмоқда. Оммaнинг ижодий активлигини яна ҳам ошириш, уларнинг коммунизм қурилиши масалаларини ҳал қилишга сафарбар этиш республика касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси бўлиб колаверади.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Йиллар ўтаверади, одамнинг умри ҳам. Лекин инсоннинг жамият бахт-саодати йўлида, келажак учун қилган меҳнати, ҳайрли ишларини тарих саҳифаларида ўчмай қолади. Биз республикамизнинг шон-шуҳрати ҳақида гапирар эканмиз, даставвал, бу шон-шуҳратни юзага келтирган Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бутун ҳаётини, қалбини, ёшлик ғуруруни бағишлаган кишиларни беихтиёр хотирамиз.

Алексей Григорьевич 1926 йилда Тошкентга келганида қирчиллама йигит эди. Лекин у ўшанда ёш бўлса ҳам, революцион жангларда анча чиниққан, ҳаёт аччиқ-чучукларини яхши англаб олганди. У Октябрь революцияси арафасида Пермда ёшларнинг ғалаёнларида актив қатнашиб, большевиклар йўлини қўллаб-қувватлади. Революция ғалаба қозонгандан кейин Алексей Григорьевич Богоявленскийнинг таржимаи ҳоли революцион кураш воқеалари билан ҳамда боғлиқ. Ленин партиясининг ёш аъзосини масъулиятли ишларга бош қилиб қўйишди. У Пермь округ касаба союзлари комитетида муҳим вазифани бажарди. 1918 йилда Пермь шаҳар ишчи ва солдат депутатлари Советига сайланди. Сўнг, оқгвардиячиларга қарши кураш олиб бораётган Шарқ фронти учун озиқ-овқат тайёрлаш вакили сифатида Вяткада зўр ташкилотчилик иши олиб борди. Кейинчалик РКП(б) Марказий Комитетининг талабига биноан у Москвага чақирилиб, Центросоюзнинг масъулиятли бўлимида ишлади. Алексей Григорьевич партия қайси ишга юбормасин, ҳамиша бажонидил, ғайрат билан меҳнат қилди. Шу боисдан ҳам унга зўр ҳурмат билдирилиб, Советларнинг I, II ва III съезларига, шуниндек бошқа олий органларининг йиғиларига депутат қилиб сайланди.

1926 йилда Алексей Григорьевични партия Туркистонга, Тошкентга юборди. У бу ерда маҳаллий кадрларни тарбиялаш, уларга таяниб ёш Ўзбекистон Республикасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида кўп ишлар қилди. Тошкентга келган дастлабки йили Богоявленский Тошкент область Ижроия Комитети раисининг муовини сифатида қадимий шаҳарни янада обод қилиш, бу ерда меҳнаткашлар учун коммунал хизматини яхшилаш соҳасида жонбозлик кўрсатди. Чунончи, Тошкент шаҳри аҳолиси учун водопровод ўтказиш масаласида у айниқса қаттиқ турди. Водопровод йўллари лойиҳасини тузиш, идоралар, меҳнаткашлар яшайдиган уйларни тоза сув билан таъминлашда унинг катта ҳиссаси бор.

Алексей Григорьевич ўша даврда ўзи билан бирга ишлаган, ўзбек ҳамқиёсларидан етишиб чиққан жозиб кадрлар ҳақида ҳали-ҳали ҳаяжон билан гапириб юради.

— Область Ижроия комитетининг раиси Акбар Исломов менда жуда зўр таассурот қолдирган, — ҳикоя қилади Богоявленский. — У чинакам ташкилотчи, меҳнаткашлар ғамини ейдиган киши эди. Ҳар бир ишни ўз вақтида жуда зийраклик билан бажарилишини яхши кўрарди. Исломовнинг ҳузурига арз билан кирган бирор кишининг ишфа бўлиб чиқиб кетганини сира билмайман.

Алексей Григорьевич республикамизнинг йирик-йирик совхозларида, машина-трактор станцияларида раҳбар бўлиб ишлаб, ана шу хўжаликларни ривожлантиришда меҳнатини аямади Чунончи, у 1931 йилда Зеленск МТСига (ҳозирги Ленин райони) директор қилиб юборилди Бу ишда ҳам Алексей Григорьевич ўзининг бутун талантини намоён қилди. Ҳар жиҳатдан зийраклик, қолоқ бўлган машина-трактор станцияси тез орада энди ташкил бўлиб келаётган колхозларда яхши обрў қозонди. МТС директори маҳаллий миллат вакилларидан трактористлар тайёрлашга алоҳида ҳавас билан қаради. Бирикки йил ичида район колхозларида тракторларни бошқарувчи ўзбек йигитлари сероб бўлиб колди.

— Албатта ҳозирги МТСларни, колхозларни ўша даврдаги хўжаликларга солиштириб бўлмайди. Энди МТСлар ҳам, колхоз ва совхозлар ҳам техника билан шу қадар юқори даражада қуролланганки. 30-йилларда бундай техника ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмасди, — дейди кекса коммунист.

Улуғ Ватан урушининг аввли қизиган пайти эди, Наманганда «Гулбоғ» совхози ҳар соҳадан оксаб колди. Бир неча йиллардан бери давлат планлари бажарилмади Ана шунда мазкур хўжаликка А. Г. Богоявленскийни директор қилиб юборишди. Карабсизки, бир йил ичидаёқ совхоз оёққа туриб олди, пахтачилик ва бошқа соҳаларда планларини ошириб бажарди.

— «Гулбоғ» совхозини кўтариб берганингиз учун раҳмат, Алексей Григорьевич, — деб колди бир куни Усмон Юсупов ука. — Энди яна бир заиф совхозимиз бор. Ўзингиз билсангиз керак, бу — 3-«Вреевский» наслчилик совхози. Бир бориб шу хўжаликни ҳам оёққа турғизиб берсангиз, олам гулистон бўларди-да!

— Усмон ака, агар халқимиз учун, партиямиз учун бу зарур экан, мен йўқ дермидим. Ҳамиша тайёрман.

Бу гап ҳам кекса коммунист, 1919 йилдан партия аъзоси А. Г. Богоявленский сўзининг устидан чиқди. Ажойиб ташкилотчи ва тарбиячи раҳбар тез орада совхозда хўжалик ишларини изга солиб юборди. Совхоз аҳлининг меҳнатини ташкил этиш, моддий манфаатдорликни ошириш борасида бир қатор тадбирларни усталик билан амалга оширди. Орадан кўп ўтмай совхозда сигирлардан сут согиб олиш ҳажми уч баравардан ортиб кетди..

Ҳозир Алексей Григорьевич пенсияда. Унинг ёши анчага бориб қолди Лекин шундай бўлса ҳам қариликка ён бергиси келмайди. Жамоат ишларида ғайрат билан қатнашиб, ёшларни улуғ Ленин, революция ишларига садоқатли қилиб тарбиялашга қўллаб келганча ҳисса қўшмоқда.

Н УЛУҒЖОНОВ

АҲИЛ ОИЛАЛАР ДАВРАСИДА

МЕҲРИ ДАРЁЛАР

Хаёл онани узоқ-узоқларга етаклайди. «Ҳозир эшикдан Абдусалим кириб келса, она, онажоним дея бўйнимга осилса, балким нўзларим очилиб кетармиди. Оҳ, каниди, шундай бўлса! Ҳовли бир зумда одамларга тўлса, ўғилгинамнинг бошидан қанд-қурслар, йиғиб нўйган тангаларимни сочсам, болалар чуввос солиб уни талашса, ҳузур қилардим. Ўғилгинам қўлимдан етаклаб кўчага олиб чиқса... бир оз ёзнларимдим...».

Лекин муштипар онанинг зорини ўғли эшитмайди. Лаънати уруш уни ораминздан олиб кетган, навқирон йигит фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Яхна-ягона қизи, овунчоғи Ёқутхонни ҳам тақдир улар қўлидан юлиб олди.

Катта ҳовлида эр-хотин қолишди. Нишонбой ота ҳам, Тўти хола ҳам соатлаб жим ўтиришади, дамбадам «уҳ» тортишади. Нишонбой ота тонгдан қош қорайгунча мактабдан бери келмайди. У ўша незларда Наманган шаҳридаги 19-мактабда директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишларди.

Бир куни Нишонбой ота ғалати фикр билан уйдан чиқди. Унинг юзида гоҳ табассум жилваланар, гоҳ жиддийлик пайдо бўларди. Хаёлан ўз-ўзи билан гаплашиб борарди. У ширин хаёллар оғушида биринчи болалар уйига етиб келганини сезмай қолди. Эшикдан ичкари кирди-ю, юраги алланечук бўлиб кетди. Болалар уйининг директори Исҳоқ Ильяев мўйсафидни жуда самимий қарши олди. Унинг мақсадини тушунгач:

— Мана шу дўмбоқ қиз сизники, қаранг, худди ўзингизга ўхшайди-я, — деди у мулойимлик билан.

Шу пайт тўқиз ёшлар чамасидаги қизалоқ югуриб келиб отанинг қўлини ушлади. Нишонбой ота қизчани эркалатиб, пешанасидан ўпди:

— Ширин қизим, оппоқ қизим... Қизчангизнинг зийраклигини қаранг, бир кўришдаёқ сизни таниди-я,—ҳазиллашди директор, — унинг исми Роза, — қўшиб қўйди у.

Нишонбой ота Розани бағрига босиб, болалар уйидан чиқиб кетди. Розага отанинг меҳри тушиб қолди. Ёқутхонни топиб олгандек қувонди.

— Мана, қизингни олиб келдим, — деди Нишонбой ота жилмайиб.

Тўти холанинг юзига табассум югурди. Қизчани қучоқлади, эркалатди. Она ўз жигарғўшасини суйгани каби суйди. Уйга файз киргандай, ховли тўлиб кетгандай бўлди. Ҳа, ховли яна тўлди, улар Рислихон. Зуҳрахон деган қизларни ҳам ўз бағирларига олдилар. Қизлар Роза билан бирам дўстлашиб кетишди-ки... Тўти хола ҳам. Нишонбой ота ҳам янги фарзандлари атрофида парвона.

Мана, ўшандан бери анча вақт ўтди. Қизлар улғайишди. Тўти холанинг қўлидан ишини олдилар. Тўти хола ҳам, Нишонбой ота ҳам фарзандларининг роҳатини кўришаётган эди. Кутилмаганда нўнгилсиз воқеа рўй берди. Онанинг нўзлари ожиз бўлиб қолди. У касалхонага тушди. Қизлар атрофида парвона бўлишди. Қошидан жилмай ўтиришди.

Онани кўргани келганлар қизларнинг меҳр-муҳаббатига қойил қолишди. Тўти хало соғайиб кетди.

Орадан кўп ўтмай, Нишонбой ота тўрт ёшлар чамасидаги ўғилчани етаклаб келди. Тўти хола янги фарзанди Алишерни кўтариб, юз-нўзларидан ўпди. Олам-олам қувонди Яна бир куни Нишонбой ота етти яшар рус қизини бошлаб келиб:

— Бу Любичка қизинг, — деди.

— Матлубахон эканда, — деди Тўти хола қизчага термулиб. Орадан кўп ўтмасдан Нишонбой ота болалар уйидан Наташа исмли қизни ҳам олиб келди.

Шундай қилиб, саховатли онла болаларга тўлди. Тўти хола уларни ўз фарзандидай меҳр билан тарбияламоқда. Алишер 6-синфда, Матлуба 4-синфда ўқишади. Роза медицина билим юртини тамомлаган, турмушга чиққан. Рислиқхон, Зуҳрахонлар ҳам уй-жойли бўлишди.

Намангандаги 3-мактаб педагоглар коллективи, шаҳар аҳолиси саховатли мўйсафид Нишонбой ота Сўфиев, меҳри дарё онахон Тўти хола билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Турли миллат фарзандларини қуёшдай иссиқ меҳрлари билан тарбиялаётган қариялар шаънига ҳамма раҳматлар айтилпти.

Р. ФАЙЗИБОЕВА,
«Коммунист» газетасининг ходими.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

● АШХОБОД. Мурғоб ва Ғажан воҳаларида эрта экилган участкаларда кузги арпа бошоқлай бошлади. Бугдой ҳам найчаланиб колди Бошоқли экинлар минерал ўғит билан эрта озиқлантирилган Тажан районидаги совхоз далаларининг экинлари айниқса жадал авж олмоқда. Бу ерда 11 минг гектар ерга ғалла сепилган.

● ДУШАНБА. Тожикистоннинг ярим миллион гектар қурғоқ ерга сув берувчи 16 суғориш системасининг ҳаммаси суғориш мавсумига муддатидан илгари таппа-тахт қилиб қўйилди. 20 минг километрдан ҳам узоқда чўзилган магистрал каналлар ва коллекторлар лойиҳадан тозаланди.

● КИРОВ. Областда эртаги ғалла оммавий равишда экила бошлади. Бу ерда 67 минг гектар — ўтган йилнинг шу вақтидагидан қарийб 20 минг гектар кўпроқ ерга баҳори ғалла экилди. Зиғир, сабзавот ва картошка ҳам экила бошлади. (ТАСС).

ЧИҒАТОЙ ЧАШМАСИ

Тошкентнинг кўҳна Чиғатой дарвозасида бир чашма бор. Минг-минглаб кишилар ҳурмат билан таъзим қилади унга. Улар орасида олиму фозиллар, оддий ишчи-хизматчилар, инженер, воачлар бор. Уларнинг ҳаммаси она сутидан сўнг мана шу булоқни эмган. Ундан баҳра олиб, ҳаётга дадил қадам қўйган, йўлини топган.

Ҳа, бу маърифат чашмаси 1923 йили очилган эди.

... Ғиёс ака эски мактабни ислоҳ мактабига айлантирди. Бўйралар ўрнига парта қўйди. Мўъжазгина ҳовлига 13 бола таҳсил кўра бошлади. Улар домла айтганини ёдлаб, жавоб қайтарувчи эмас, балки қўлига «алифбе»ни тутган янги замон болалари, келажаги бахт нури билан ёритилган болалар эди.

Ҳар қанча ташвиқ қилинмасин, тушунтиритмасин мактабга қизлар келмади. Чунки тушунмаган ота-оналар ўз қизларини бу мактабга юбормадилар. Шунда Ғиёс ака илмга ташна аёлларни уйига бориб ўқитди. Мана ўша аёллардан бири Замира Мирзабоева. У ҳозир пенсионер.

— Ғиёс ака не-не машаққат билан саводимни чиқазган. Янгича илмдан баҳра олиб, ўзбек аёлларнинг ичида қалдирғоч муаллима бўлиб чиқдим, — дейди у ўтмиш кунларни эслаб.

Янги мактаб домласининг иши муваффақият қозонди. Келаси йил аккивлар ёрдами билан тўрт хонали бино қурдирилди. Ғиёс ака бу бошланғич мактабга асос чи муаллим бўлиб колди Кейин талабалар ҳам кўпайди, янги педагог кадрлар етишиб чиқа бошлади. Ниҳоят 1937 йил ҳозирги 111-мактаб бунёдга келди.

Бу илм ўчоғи республикамиздаги энг катта мактаб ҳисобланади. Унинг бағрида шу кунларда 2800 ўқувчи таълим олмоқда.

Унинг кўп йиллик саҳарлаги хизматлари муносиб баҳоланди. Ғиёс Мусаев 1944 йил маърифатчиларимиз орасида биринчилар қатори «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига сазовор бўлди. Сўнг ҳукуматимиз унинг мўйсиғига Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳалқа ёнди. Ҳозир у пенсияда. Лекин Чиғатой чашмаси тиниб колгани йўқ. Ғиёс аканинг ишини кўплаб шогирдлари, ўғил-қизлари давом эттиришмоқда. Даровоқе, у бошлиқ оилани катта ўқитувчилар оиласи деса бўлади. Ўғли Фаёз, келини Зарофат, укалари Маҳмуд, Ҳамид, қуёви Туроблар Тошкент мактабларида ёшларга илм беришмоқда

Биз педагоглар отахони Ғиёс Мусаевга соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ЖАСОРАТ

Мақолада гап инсоннинг жасорати, қаҳрамонлиги, шон-шуҳрати ҳақида бораётир. Бировлар жанг майдонида жасорат кўрсатиб, ғанимга қирғин келтиради, элда ёв қувар қаҳрамон деб ном чиқаради. Бошқалар эса чўлга қилинган ҳужумда жонбозлик кўрсатади, саҳро бағрини тилка-пора айлаб, янги ер очади, уни пахтазор, ғаллазор, боғ-бўстонга айлантиради ва чўлқувар қаҳрамон деб ном олади. Жасорат ва қаҳрамонликнинг чегараси йўқ. Саҳрони инсон изига бўйсундириб, қақроқ чўлга сув чиқариш ҳам, унда пахта, буғдой, мева етиштириш ҳам мислсиз жасорат ва қаҳрамонлик. Бунинг устига, кечаги саҳрони бугун илғор тажриба маконига айлантириш, пахтачиликни комплекс механизациялаш каби улуғ ва шарафли вазифани ҳаммадан яхшироқ бажариш, ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш учун республикамиз областлари, барча пахтакорлари ва механизаторлари ўртасида давом этаётган курашда, мусобақада биринчиликни эгаллаш ва карвонбоши бўлиш ҳаммадан зўр жасорат ва қаҳрамонликдир!

Ўзбекистон қўриғи — Сирдарё области, унинг пахтакорлари ва механизаторлари эндиликда ана шундай шарафга эга бўлдилар, ўз номларини шон-шуҳратга қоплдилар.

Мирзачўл сахросига ҳужум бошлангани, Янгиер шаҳрига пойдевор қўйилгани, дастлабки совхозларни ташкил қилишга киришилгани ҳамманинг худди кечагидек эсида. Ўшанда бу ерга юрагида ўти бор, азми-қарори ирода-сидек мустаҳкам, нияти улуғ, қадами қутлуғ комсомол ёшларнинг дастлабки отрядлари келган эди, 6-совхознинг ажойиб бригадири Қувондиқ Абдураззоқов, «Пахтакор» совхозининг шунқор механизатори Раъно Аминова ва бошқа ўнлаб, юзлаб ватанпарварлар «Мирзачўлни «оқ олтин» кони қилибгина қолмай, балки «уни пахтачиликни комплекс механизациялаш учун кураш майдонига айлантирамиз!» деган шиорни ташлашди. «Малик» тажриба хўжалигининг машҳур механизатори, Ленин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор Жавод Кўчиев бу ташаббусга бошчилик қилди, бой тажрибасини ўз ҳамкасбларига, ёш дўстларига ўргатди.

Йиллар ўтиши билан Мирзачўлни ўзлаштириш иши янада авж олди, ҳозир ҳам зўр куч билан давом этяпти. Ерга-ер, элга-эл қўшиляпти. Жавод, Қувондиқ, Раъ-нолар сафи янги азимкорлар ҳисобига ўсяпти. Бултур янгидан ташкил этилган «Андижон» совхозига Марказий Фарғона ерларида мўл ҳосил етиштириб, номи тилларда достон бўлган машҳур механизатор Мамажон Дадажонов кўчиб келди. У худди мана шу ерга келгач мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номга эга бўлди. Ҳа, Мирзачўл эндиликда чинакам қаҳрамонлар, новаторлар, янгилик излайдиган ижодкорлар ватани бўлиб қолди.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейди халқимиз. Бултур Жавод Кўчиев, Мамажон Дадажонов, Қувондиқ Абдураззоқов, Раъно Аминова, Меҳри Эрматова каби уста механизаторлар ўнлаб янги шогирдлар тайёрлашди, уларнинг ҳар бири бир неча кишига механик-ҳайдовчилик касбини ўргатди. Областдаги деярли барча колхоз ва совхозларда етиштирилган мўл ҳосилни машинада териб олишга жиддий тайёргарлик кўрилди, юзлаб янги механик-ҳайдовчилар тайёрланди. Бу — область механизаторлари ҳосилнинг камида ярмини машинада териб олиш ҳақида берган ваъ-данинг устидан чиқиш мақсадида амалга оширилган режали тадбир эди.

Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Областда етиштирилган 457 минг тоннадан зиёд пахтанинг 258 минг тоннаси ёки 56 процентдан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Шундай қилиб, Сирдарё областининг механизаторлари ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш даражаси жиҳатидан республикада энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Беш минг атрофидаги механик-ҳайдовчи шунча пахтани терди ва қўлда пахта терадиган 100 мингдан ортиқ теримчининг ишини бажарди. Бу улкан муваффақиятга барча ҳосилнинг 65-70 процентини машиналарда териб олган Пахтаорол, Киров, Боёвут районлари, 70-87 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўккан «Малик», «Социализм» совхозлари, Боёвутдаги «Коммунизм» колхози каби ўнлаб илғор хўжаликларнинг механизаторлари катта ҳисса қўшдилар.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, ҳосил йиғим-теримини кенг машиналаштириш областда мўл ва арзон пахта етиштириш, пахтакорларнинг даромадини ва бинобарин моддий-манфаатдорлигини ошириш имконини бераётир. Бунга Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг Раҳмонкулов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси мисол бўла олади. Бригада бултур 138 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олди. Етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси машинада терилди. Бригадада 427 тонна пахта етиштириш учун ҳаммаси бўлиб 8200 киши-куни сарфланди ва 164 минг сўм даромад қилинди. Колхозда бир киши кунининг қиймати 8 сўм 28 тийинга тўғри келгани ҳолда, бу бригадада 11 сўм 41 тийинни ташкил этди. Шу колхознинг Раззоқов ва Қурбонов, «Малик» тажриба хўжалигининг Жавод Кўчиев, Меҳтиев, Тўйчиев, Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Егемов, Мирзамуродов, «Пахтаорол» совхозидан СССР Олий Советининг депутати Усимбеков ва Маҳамбетов, Франц ва бошқа ўзтоқлар бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаларда ҳам ана шундай кўп даромад олинди. Чунки, ана шу бригадаларда гектаридан 30-40 центнердан ҳосил олинди, етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси машиналарда терилди.

Бу йил область пахтакорлари 283 минг гектар майдонда пахта етиштириш, давлатга сотиладиган 482 минг тонна пахтанинг 300 минг тоннасини машиналарда териб олишга қарор қилдилар. Шу мақсадда комплекс механизацияни янада кенг жорий этиш тадбирлари амалга оширилятпи. Колхоз ва совхозлардаги комплекс механизациялашган бригадалар сони бу йил 2065 тага етказилди. Улар барча пахта майдонининг 85 процентига чигит экишди. Ана шу бригадаларнинг коллективлари гектаридан 30-40 центнердан ҳосил олиш ҳақида сўз беришди. Умуман областда эса бу йил гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган биронта ҳам бригада бўлмаслигини таъминлашга қарор қилинди. Янгидан ўзлаштирилган ерларда бунга эришишнинг ўзи бир жасорат.

Сирдарёликлар бу йил яна бир янги ташаббусни бошлаб бердилар, ажойиб янгиликка қўл урдилар. Область партия комитетининг якинда бўлиб ўтган пленуми бу йил областда 80 минг гектар ёки барча пахта майдонининг 36 процентига қатор ораси 90 сантиметрдан иборат схема билан чигит экиш ва ана шу майдонда қўл меҳнати сарфламасдан нуқул механизмлар ёрдамида пахта етиштиришга қарор қилди. Бунга бир неча йилдан буён бу янгиликни синаб кўраётган «Малик» тажриба хўжалиги ва айниқса Ленин мукофотининг лауреати, чин маъноси билан новатор механизатор Жавод Кўчиев бригадасининг тажрибаси асос қилиб олинди. Бу усулни жорий этиш пахтачиликни комплекс механизациялаш, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл ва арзон пахта етиштириш учун курашда олға қўйилган яна бир янги қадам бўлади. Жавод Кўчиев бригадасининг тажрибаси шуни кўрсатдики, чигит қатор ораси 90 сантиметрли схема билан экилганда меҳнат унумдорлиги 60 сантиметрли схема билан экилгандагига нисбатан чигит экишда 2,5 баравар, ғўза-қатор ораларини ишлашда 1,9 баравар, суғоришда 1,5-2 баравар ва машина теримида 1,6 баравар ошади, техника ва механизатор кадрларга бўлган талаб икки баравар камаяди. Жавод Кўчиев бригадаси бултур ана шу усул билан пахта етиштирди ва 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,1 центнердан ҳосил олди, унинг 98,9 процентини машинада терди.

Шу муносабат билан «Малик» тажриба хўжалигида область илғор механизаторларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ажойиб механизатор Жавод Кўчиевни Ленин мукофоти лауреати деган юксак унвон билан муборакбод этишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари В. А. Тюпко ва Мамажон Дадажонов унга Владимир Ильич Ленининг портретини топшириб, барча механизаторлар номидан табриклашди. Жавод Кўчиев ўз бригадаси дала шийпонида қатор ораси 90 сантиметрли схема билан пахта етиштириш технологияси ҳақида сўзлаб берди.

Кенгашда Сирдарё механизаторлари комплекс механизациялашни янада кенг жорий этиш ва ҳосил йиғим-теримини машиналаштиришда юбилей йилида республикада яна намуна кўрсатамиз, деб аҳду паймон қилишди. Областдаги барча механизаторлар ва пахтакорларга қарата мурожаат қабул қилинди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистонининг» махсус мухбири.

СУРАТДА кенгаш қатнашчиларидан (чапдан): 19-«Андижон» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг бригадири Жаббор Оғалиев, 3-«Боёвут» совхозининг бригадири Мисуд Рашидов, «Малик» тажриба хўжалиги комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиев ва шу совхознинг бригадири Сулаймон Шокиров.

А. Тўраев фотоси.

ТАФАККУР ЧИРОҒИ ВА ХУРОФОТ

ИЛМИЙ-АТЕИСТИК ТЕМАДА

Одамлар қалбининг
чироғи билим,
Балодан сақланиш
яроғи билим.
Абу Абдулло РУДАКИЙ.

Фан ҳамма нарсани бирдан ва охиригача тез ҳал эта олмайди, албатта. Лекин инсон тафаккурининг билиш имконияти чексиз. Бугун биз кечагига нисбатан кўпроқ биламиз, эртага эса бизнинг билимимиз бугунгга нисбатан яна ҳам ошади.

Ҳар илмдан эшитсанг бир сўз,
Урган уни нечаю-кундуз.
Бир шуъласи дилга тушган он,
Билурсеннки, илм беподён

деб ёзган эди улуғ мутафаккир шоир Абулқосим Фирдавсий. Фан табиат ҳодисалари ва сирлари ичида инсон тафаккури ета олмайдиган ҳеч нарса йўқ деб тасдиқлайди. Бу фикрни ҳаёт, тараққиёт исботламоқда. Фаннинг ўзи ҳам тажрибада аниқланган хилма-хил далилларни ҳар томонлама ўрганиш асосида пайдо бўлган билимлар замирида ривожланади ва такомиллашади.

Моддий неъматлар яратиш киши фаолиятининг энг муҳими ва биринчи ғаруриятн ҳисобланади. Кишилар асрлар давомида ижтиоий меҳнати асосида аста-секин билим савиясини ошириб, табиат сирларини ўрганиб, уларни ўзига бўйсундириш йўли билан табиатда ўқ, аммо инсон учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратганлар. Сўнгги юз йилда олимлар сунъий йўл билан тахминан бир миллион табиий ҳимик бирлашмаларни ҳосил қилдилар ва икки миллионга яқин табиатда мутлоқ йўқ моддаларни яратдилар. Ҳозир шундай пластмассалар мавжудки, улар қаттиқлиги жиҳатидан жез, чўян ва баъзи пўлат маркаларидан қолишмайди, шу билан бирга мазкур металлардан тўрт-беш марта енгил. Инсон пайдо бўлгандан бери биологик билимларнинг ривожланиши туфайли жонли организм муҳити ва шароитини ўзгартиш, сунъий танланиш ва ўрчитиш йўли билан ўсимликларнинг бир неча минг янги навлари ва зотлари, 400 дан ошиқ йирик шохли мол ва 250 га яқин қўй турлари яратилган. Фақат бизнинг мамлакатда Совет ҳокимияти йилларида тахминан 2330 хил янги нав қишлоқ хўжалик экинлари экилмоқда, хўжалик ҳайвонларининг кирқдан ортиқ янги зоти етиштирилди.

Фан ва техниканинг гўркираб ўсиши туфайли инсон камолот топмоқда. Иқтисодчиларнинг ҳисобига қараганда, бизнинг мамлакатда машина кучи билан ҳар йил ишлаб чиқариладиган маҳсулотни агар қўл меҳнати билан ишлаб чиқилганда беш миллиардга яқин ишчи кучи зарур бўлган бўлар эди. Радио, электроника, телемеханика, автоматика сингари фан янги тармоқлари«нг пайдо бўлиши илмий тафаккурнинг қудратини яна ҳам ошириб, инсоннят порлоқ келажагини таъминлашнинг зўр воситасига айланди.

Табиат ва жамиятни эркин равишда тадқиқ қилиш кўп асрлар давомида қўкм суриб келган диний дунёқараш»ларга қарши муросасиз жиддий курашлар натижасида қўлга киритилди.

Дин синфий жамиятларнинг ҳукмрон идеологияси сифатида узоқ даврлар илмий тафаккурни кўзгин ва такиқ қилиб, минглаб доно мутафаккирларнинг қатл қилинишига сабабчи бўлган. Унинг ажойиб ташфиётлари билан дахрийлиққа йўл очиб берганлиги учун ўтда куйдирилган Жордано Бруно «агар диний эътиқод бўлмаганда, нодонлик ҳам бўлмасди», деб жар солган.

Фан ва дин фақат ўз моҳияти билангина эмас, балки ижтиоий қиммати ҳамда роли билан ҳам бир-бирига тўбдан зиддир. Барча динлар каби ислом дини ҳам одамлардан хурофий ақидаларга, афсонавий ривоятларга ва сохта тушунчаларга кўр-кўрона ишонишни, итоат этишни талаб қилади. Фан эса бунга қарши ўлароқ кўр-кўрона итоатгўйликни мутлақо инкор қилади.

Киши учун ишонч ниҳоятда зарур, албатта. Лекин кишининг ишончи чуқур билимга, ҳаётий тажрибага асосланмоғи шарт. Шундагина инсон воқеа ёки ҳодисаларнинг чинакам моҳиятини аниқлаб, тушуниб олади ва ижтиоий барқарорлиқ ва ижобий таъсир кўрсата олади. Чуқур билимга асосланган ишонч инсонни яхши ниятларга ва ўз режалари сари олға чорлайди. Бизнинг жамиятимиз кишилари ана шундай ишонч руҳини ўзида мужассам этишган. Аммо жамиятимизда диний ақидаларга ишонувчи кишилар ҳали бор. Улар диний бидъатларга кўр-кўрона амал қиладилар. Ана шундай шахсларни қайта тарбиялаш, уларнинг қалбига илмий ҳақиқатга ишонч руҳини сингдириш муҳим вазифадир.

Демак, кишилар онгидан ўтмишнинг реакцион сарқитлари — диний тасаввур, эътиқод ва традицияларни тугатишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Уларнинг эскилик қолдиқларидан бўшаган онгидаги вақуумни, яъни бўшлиқни ўзимизнинг коммунистик ғояларимиз, илмий материалистик дунёқараш билан тўлдиришимиз зарур. Афсуски, баъзан биз илмий-атеистик пропаганда ишимизда масаланинг шу томонини унутиб қўямиз.

Диний эътиқод бизнинг жамиятимиз учун мутлақо ётдир. В. И. Ленин эски жамиятнинг традициялари, унинг иқтисодий ва синфий асоси тугатилган тақдирда ҳам реакцион моҳиятини йўқотмаслигини қайд қилиб, эскилик сарқитларига қарши ҳар томонлама ва қаттиқ кураш олиб бориши, бу курашда зўр интизом бўлишини уқтирган эди. Унинг ибораси билан айтганда, «миллионлар ва ўн миллионлар одатининг кучи энг даҳшатли кучдир».

Диний эътиқод ва расм-русм қолдиқларига барҳам бериш соҳасида олиб борилаётган курашни янада жанговарлаштиришнинг энг муҳим воситаси бўлмиш илмий билимлар ва материалистик дунёқарашни тағин ҳам кенг тарғиб қилиш лозим. Буюк аждодларимиздан Носир Хисрав «жаҳолат — ўлимдир, билим — тириклик», деб бежиз айтмаган. Амалий тажрибага таянган илмий билимлар диний ақидаларнинг асоссиз, пуч эканлигини исботлаб берибгина қолмай, киши турмушини яна ҳам гўзал этишга хизмат қилади.

Қайси бир динни олманг, барчаси ҳам кишини пинҳоний дунё, ҳаёлий бахт, «жаннат лаззати» билан алдаб, овутади. «Бутун умр бўйи меҳнат қилган ва муҳтожликдан чиқмаган кишига дин, бу дунё азобига чида ва сабр қил, деб таълим беради ва охиратда бунинг аксини топишга умид боғлаб деб тасалли беради. Бировларнинг меҳнати билан қуй кўрувчиларга эса, дин, бу дунёда хайр-эҳсонли бўл, деб таълим беради, уларнинг бутун эксплуататорлик ҳаётини оқлаш учун арзон воситэ тақдим қилади ва жаннатга кириш билетларини арзон нарх билан сотади», — деган эди В. И. Ленин. Дарҳақиқат динний таълимот пуч гапдан бошқа нарса эмас.

Фан билан диннинг киши амалий фаолиятига муносабати ҳам тўбдан зиддир. Диний итоатгўйлик барибир муқаррар равишда дунёвий турмушни менсимасликка, ҳаёт эҳтиёжларига илтифотсизлик билан қарашга олиб келади. Фан эса оламни ўрганиб, ўзгартувчи қудратли восита сифатида инсонга унинг турмуш шароитларини яхшилашга, фароғликка эришишга, чинакам бахт-саодатли бўлишга ёрдам беради. Халқнинг доно фикр ва ғоялларини ифодалаб, буюк аждодимиз Камолиддин Биноий қуйидаги байтни битган эди:

Илм ҳам боқийдир, ҳам
абаддир у,
Илмдан бошқаси саватдаги сув.

Ижодкор халқимиз қўёш нурига интилгандек билим чўққиларини эгаллашга интилмоқда. Совет кишиси ҳаёти, равнақи ва келажагини фан, техника ютуқларисиз тасаввур қила олмайди. Халқ оммасининг қалбига илмий билимларни ичгил равишда чуқур сингдиришнинг ҳосияти нақадар буюк аҳамиятга эга эканлигини ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди. Лекин илмий атеистик пропаганда ишларимизда масаланинг шу томонига унча жиддий эътибор бермаяпмиз. Аҳоли орасида ўтказилаётган социологик тадқиқотлар атеистик пропаганда бир томонлама, тингловчиларнинг ижтиоий состави, билим даражаси тўла эътиборга олинмасдан, баъзан эса хўжа кўрсингагина ўтказилаётганлигини кўрсатди. Республика «Билим» жамиятининг илмий атеизмга оид тематикасида кўпинча ислом дини, унинг реакцион моҳияти сингари сийқаси чиққан темалар кўпроқ ўрин олмоқда.

Ҳозирги замонамизнинг фан ва техника соҳасидаги буюк ютуқларини кенг оммага етказиш масаласи билан жиддий шуғулланиш тўғрисида кўпроқ ўйлаш керак. Бу олижаноб ишда барча зиёлилар актив қатнашиши, халқ орасида мунтазам равишда билим тарқатиш зарур. Шундай қилинса, ҳаҳолат ва хурофот қолдиқларидан мутлақо қутулиш, ижтиоий тараққиётимизда бенисбо ҳар бир кишининг актив иштирок этишини таъминлаш мумкин бўлади.

И. ЖАББОРОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

ПАХТАКОРЛАР ДОРИЛФУНУНИ

Район маданият уйининг катта залига колхоз раислари, совхоз директорлари, участка ва бўлим бошлиқлари, агроном ва инженерлар, партком секретарлари, қишлоқ советларининг раислари, район ижроия комитетининг бўлим бошлиқлари, район ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари тўпланишган. Бу ерда қишлоқ хўжалик билимлари университети қошидаги пахтачилик факультетининг навбатдаги машғулоти бормоқда.

Бу университетга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар биологияси илмий тадқиқот институти оталик қилмоқда. Шу институтнинг илмий ходимлари университет тингловчиларига лекциялар ўқиб бермоқдалар.

Район партия комитети бюросининг қарори билан 21 кишидан иборат университет Совети тузилган. Ректор қилиб институт директорининг муовини, биология фанлари кандидати А. И. Имомалиев, ректор муовини қилиб район партия комитетининг секретари Т. У. Умматов тасдиқланган.

Университетнинг икки йилга мўлжалланган ўқув планига фан янгиликлари ва илғор тажриба билан таништириб борилиб, ерларни экишга тайёрлаш, ғўза парваришининг ҳамма цикллари бўйича илғор усулларни ўрганиш, уруғчилик ва селекция масалалари, ғўза касалликларига ва зараркунандаларига қарши кураш, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ва пахтачилик экономикаси масалалари бўйича лекциялар киритилган.

Кейинги машғулотда биология фанлари кандидати Р. Рахимов «Янтарь (ҳаҳрабо) кислотасининг ғўза ва бошқа ўсимликларга таъсири» деган темада лекция ўқиди. Университет тингловчилари янтарь кислотаси аралаштирилган сувга ивитилиб экилган чигитнинг гез униб чиқиши, ғўзакинг яхши ва соғлом ривожланиши, оқ палак касаллигининг кам бўлиши, пахтанинг эса тез пишишини билиб олдилар. Ректор тингловчиларга янтарь кислотаси аралаштирилган сувда ивитилиб экилган чигитнинг ҳосилдорлиги юқори бўлишини конкрет мисоллар асосида исботлаб берди.

Шуниндек, бу машғулотда институтнинг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ўртоқ А. Зокиров «Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш қонунлари» деган темада қизиқарли лекция ўқиб, тингловчиларга ғўзанинг ўсиш даврлари ва у ривожланаётганда қандай агротехника тадбирларини амалга оширишга эътибор бериш керaклиги тўғрисида маълумот берди.

Келгуси машғулотларга «Яхоб суви, унинг аҳамияти ва ўтказиш муддатлари», «Пахтачиликда уруғчилик ва селекциянинг ривожланиши ҳамда ҳозирги вазифалари», «Алмашлаб экиш» деган темалар белгиланган.

В. УЛМАСБОЕВ,
Тошкент область, Бекобод райони.

КУРМАКЛАР

«Ҳурматли редакция! Биз меҳнат отпускасига чиқиб нўҳна, аммо доим навқирон Самарқандга саёҳатга келдик. Тунаш учун «Шарқ» меҳмонхонасига бордик. Меҳмонхона деганда узоқ-яқиндан йўл босиб келган меҳмонлар дам олиб ҳордиқ чиқарадиган, мезбонлари хушмуомила жойни кўз олдимизга келтирардик. Бу тарихий шаҳарда ўшандай меҳмондўст кишилар кўплигини эшитган эдик. Афсуски, шоли нурмайсиз бўлмас экан «Шарқ» меҳмонхонаси ҳақидаги таассуротларимиз шунга гувоҳдир. Биз меҳмонхона деб қуноққа тўхтаган жой айрим олий кишиларнинг уяси экан. Фикримизнинг исботи учун шу жойда истиқомат қилган кунларимизда кўрган-кечирганларимизни қоғозга тушириб юбордик. Танишиб чиқиб, шаҳар ижроия комитети раҳбарларига икки оғиз нордон сўз айтиб қўйишингизни сўраймиз.

Ҳ. АҲМЕДОВ, А. ПУЛАТОВ, Ж. АЛИМБОЕВ.
Андижон областидаги «Ойим» совхозининг ишчилари».

Маълум бўлишича, меҳмонлар шу йил 17 январь куни Самарқандга келиб «Шарқ» меҳмонхонасига тушишади. Шу куни меҳмонхонада Саъми Муҳаммадиев деган киши навбатчилик қилаётган эди. Одатдаги салом-аликдан сўнг меҳмонлар меҳмонхона ҳужасидан уч-тўрт кунга жой берилишини илтимос қилишади.

— Бизда бўш жой йўқ, — тўнғиллайди Муҳаммадиев, — яқин бир ҳафта — ўн кун ичида бўлиши ҳам даргумон.

— Шаҳарда яна қаерда меҳмонхона бор, огайни? — сўради меҳмонлардан бири.

— Меҳмонхона кўпку-я, мугомбирлик билан гап қотди меҳмонхона ҳужаси. Лекин ҳаммасида ҳам... — У тахтачадаги «бўш жой йўқ» деган ёзувга ишора қилди.

Меҳмонлар маъюс ташқарига чиқа бошлади. Муҳаммадиев тайёр ўлжани қўлдан бой бергандек мергандек типирчилаб қолди. Дарҳол тўнини ўнг кийиб, гилёламалникка ўтди:

— Кўринишларингдан гапга тушунадиган йигитларга ўхшайсизлар, — деди пилтакачлик эшилиб, — бир оз ўтириб турингларчи, у ёқ-бу ёқни суриштириб кўрай, зора бахтларингга бирорта бўш жой чиқиб қолса...

Меҳмонлар миннатдорчилик билдирдилар. Муҳаммадиев бир эшикдан кириб иккинчисидан чиқди. Энди унинг юзидаги тундликни қувонч эгаллаган эди.

— Бахтларинг бор экан, — оғзининг таноби қочди меҳмонхона ҳужасининг, — қани, паспортни узатинглар, бўлинглар тезроқ.

Меҳмонлар шошилинч юз берган воқеанинг сирини кейин тушунди. Саъми Муҳаммадиев меҳмонхона ҳақидан ташқари 3 сўм 90 тийин чой-чақа ундирди. Шундан кейин яна янги лўттибозликлар бошланди.

Эртаси куни навбатчиликка келган Тўрақул Рафиев андижонлик меҳмонлар истиқомат қилаётган хонага кирди.

— Жуда уятга қолибмизку, — сохта кулди у, — азиз меҳмонларимизнинг умумий хонада тунаши бизга иснод. Сизларга аталган яхши жойларимиз бор. Қани, юринглар.

Бу беўрин меҳр-шафқат ҳам меҳмонларга қимматга тушди. Рафиев 395945 сонли квитанцияни рўпарасида турган кишиларга узатаркан, 7 сўм 90 тийин «майда пул»ни ҳамённга урди. Меҳмонларнинг кийояли қарашига «бизда таомил шунақа» дегандек кулиб қўяқолди.

Келаси куни лўттибозлик бошқача формада кўринди. Навбатчи Самад Шамсиев бехосдан «сизларга бир соат муҳлат, жойни бўшатинглар» деб даданга солди. Шундай дўқ-пўписа билан хонага кирган навбатчи ҳиёл ўтмай хонадан чеҳраси очилиб чиқди. Йўл-йўлакай атрофга аланглаб қўлини чўнтагига соларкан, қоғозсимон бир нарсанинг шилдираган овози эшитилди, кулиб қўйди.

Меҳмонлар Самарқанд билан хайр-хўшлашадиган куни Норчучук Аҳмедова деган навбатчига дуч келишди.

— Бунисн ҳам пихини ёрганлардан экан, — дейди Ҳурмамат ака Аҳмедов, — бизда хайрлашув маросими шундай бўлади деб салкам уч сўм пулимизни юлиб олди. Ростини айтсак, Самарқанддек табаррук шаҳардаги меҳмонхонага бир группа юлгичларнинг уя қўйишидан каттиқ ранжидик. Бундай кўнгилсиз ҳодиса Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитетининг бюросида кўриб бераётганн бизни қаттиқ изтиробга солди.

Редакция хатни Самарқанд шаҳар прокуратурасига юбориб, унда келтирилган фактларни текшириб кўриш, натижасини редакцияга маълум қилишни сўради. Олинган жавобда бундай дейилади:

«Шарқ» меҳмонхонасининг тўрт навбатчиси — Саъми Муҳаммадиев, Тўрақул Рафиев, Самад Шамсиев, Норчучук Аҳмедова андижонлик меҳмонлардан 17 сўм 60 тийинни ортиқ олганлиги тўғри бўлиб, ҳужжатлар асосида тасдиқланди. Лекин меҳмонлар билан мезбонлар истиқомат қилаётган жой олис бўлганлиги учун жиноий иш қўзғаб, меҳмонларни гувоҳ қаторида сўроқ қилиш, мезбонларни жавобгарликка тортиш (?) лозим топилмади».

Бунга нима деса бўлади? Юлгичлик факти тасдиқланибди, жиноятчилар айбини бўйнига олибди. Прокуратурадаги ўртоқлар эса Самарқанддан Андижонга бориб келишга эриниб, жиноий иш қўзғамай қўя қолишибди. Озгина қамоматга йўл қўйган кўча қоидасини бузган кишини-ку, жазолаймиз! Нега энди қуппа-кундузи меҳнаткашларнинг чўнтагига қўл солиб ҳалол меҳнат билан топган пулини шилиб олган юлгичларни жиноий жавобгарликка тортмаймиз? Жамоатчилик бу саволга Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитети ва прокуратурасидан жавоб кутади.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: Редакция республика Коммунал хўжалик министрлиги раҳбарларининг эътиборини «Шарқ» меҳмонхонасида рўй берган кўнгилсиз воқеага қаратади, бошқа меҳмонхоналарда шундай нуқсонларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўради, деб ишонади.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 17 март сонида босилган «Масъулиятсизлик» сарлавҳали танқидий мақолага Уйчи район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Х. Ҳолмирзаев имзоси билан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текширишда танқидий мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, хўжаликни ишнинг кўзини билиб бошқара олмагани учун «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раҳбарларига қаттиқ чора кўрилди. Райком бюроси хўжаликни қолоқлиқдан чиқариш, давлатга пахта, чорва маҳсулотлари етказиб бериш планларини бажаришга қаратилган тадбирлар белгилади. Шунингдек, меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш чоралари кўрилди. Колхоз районда илғорлар қатори чигит экиш планини бажарди ғўза парвариши кучайтириб юборилди.

«СУРЪАТ СУСТ»

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли Фарғонадаги 8-қурилиш трести маъмурияти ва партия ташкилоти хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1967 йил февраль ойи сонларидан бирида босилган «Суръат сust» сарлавҳали танқидий мақолада қурилиш трести фаолиятидаги камчиликлар тўғри кўрсатилган. Текшириш якуни трест коллективининг йиғилишида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Фарғонадаги химия толаси заводига қурилиш-монтаж ишлари учун 1.700 минг сўм маблағ ажратилди. Трест 4-қурилиш бошқармаси билан ҳамкорликда қурилишни тезлатишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқди. Бу тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиши туфайли қурилиш-монтаж ишлари графиги ойма-ой ошириб бажариляпти. Қурилишни темир-бетон ва арматура буюмлари билан таъминлаш, бош корпусни тиклаш учун «Главстройиндустрия» орқали енгил темир-бетон плиталар етказиб бериш масаласи ҳам ижобий ҳал қилинди.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ТОШКЕНТДАГИ В. И. Ленин номли майдон пойтахтимизнинг юраги бўлади. Архитекторларнинг ҳам, лойиҳачи ва қурувчиларнинг ҳам аҳди ана шундай. В. И. Ленин номли майдонда шаҳардаги энг баланд иморатлар қад кўтаради. Қўли гул бинокорларимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиш иштиёқида баракали ишламоқдалар. Суратда: майдоннинг шу кундаги манзараси.

А. Тўраев фотоси.

СУРХОНДАРЁДА НАВОИЙ КУНЛАРИ

ТЕРМИЗ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Улуғ ўзбек классик шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги муносабати билан Сурхондарё областида ўтказилаётган юбилей кунлари ҳамманинг қалбига қувонч бағишламоқда.

Термиз районидаги Жданов номли колхоз клубида Навоийга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Термиз давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати ўртоқ М. Бобохўжаев Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Пушкин номли тил ва адабиёт институти старший илмий ходими, филология фанлари кандидати А. Абдуқодиров шоирнинг ижодий мероси ва уни ўрганиш тарихи ҳақида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кекса навоийшунос олим Порсо Шамсиев шоир билан унинг устози — форс-тожик адабиёти классиги Абдураҳмон Жомий ўртасидаги чинакам дўстлик ва ижодий ҳамкорлик тўғрисида сўзлаб бердилар.

Бундай адабий кечалар бир неча ўрта мактабларда ҳам бўлиб ўтди.

А. ХАЛИЛОВ.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁНИНГ ТАМАМИДА

ХАЛҚЛАР ГРЕЦИЯДАГИ ТЎНТАРИШНИ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

АНГЛИЯ

Истборндаги (Суссекс графлиги) маъмурий техник ходимлари уюшмасининг ҳар йили ўтказиб туриладиган конференцияси қабул қилинган резолюция башарти Греция ҳарбий ҳукумати сиёсий маҳбусларни озод қилишдан бош тортадиган бўлса, Англиянинг Грециядаги элчиси чақириб олинсин, деб талаб қилади. Конференция қатнашчилари Англия ҳукумати Грециядаги ҳарбий тўнтаришни қоралаган бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматларидан ўрнак олсин, деб талаб қилдилар.

ФРАНЦИЯ

Франция жамоатчилиги, касаба союзлари ва сиёсий партияларнинг вакиллари Грециядаги репрессияларга қарши норозилик хатини Греция делегатига топшириш учун НАТО қароргоҳига келишди. Бу ерда Шимолий Атлантик блоки мамлакатлари мудофаа министрларининг мажлиси ўтказилмоқда эди.

Ўттиздан ортиқ делегация НАТО биноси олдига келди.

ВЕНГРИЯ

Венгрия ёзувчилари союзи Грециянинг Будапештдаги элчиҳонасига телеграмма юборди. Бу телеграммада сиёсий маҳбуслар дарҳол озод қилинсин ва прогрессив арбоблларга қарши зўравонлик тўхтатилсин, деб талаб қилинади.

ШВЕЙЦАРИЯ

Швейцария парламенти депутатларидан ўн бир киши ҳозирги Греция ҳукумати бошлиғи Коллиасга телеграмма юборишди. Улар ЭДА партияси парламент группасининг Юра ороли-дагги қамоқ лагерига ташланган раҳбари Илиас Илиуннинг соғлиғи тўғрисида қоят ташвишланаётганликларини билдирадилар. Парламент аъзолари Грецияда яқинда бўлган ҳарбий тўнтариш натижасида турмаларга ташланган сиёсий арбоблларнинг ҳаммасини озод қилишни талаб этадилар.

ИТАЛИЯ

Грецияда халқнинг демократик ҳуқуқлари поймол этилмоқда. Грецияда ҳукм сураётган ваҳшийлик инсон иззат-ҳурматини хавф остида қолдиради, деди Италия сенатори Ферруччо Парри. Италиядаги сўл партиялар ва гуруҳларнинг парламентдаги аъзолари грек халқи билан бирдамлик митингини уюштирган эди. Ферруччо Парри ана шу митингда нутқ сўзлади. (ТАСС).

«ЭКСПО-67»ДА

МОНРЕАЛЬ, 10 май. (ТАСС махсус мухбири). Жаҳон виставкасидаги Совет павильонида ўтказиладиган «Туркманистон ССР куни» байрамида қатнашиш учун бу ерга келган Туркманистон ССР делегацияси неча Монреаль муниципал кенгашининг раиси Люсьен Сонье ҳузурида бўлди.

Туркманистон делегацияси 9 май кундуз куни матбуот конференцияси ўтказди. Канада ва чет элларнинг неча ўнлаб журналистлари матбуот конференциясида ҳозир бўлишди. Делегация бошлиғи, Республика Олий Совети Президиумининг Раиси А. Қличев Туркманистонинг ўтмиши ва ҳозирги аҳволи тўғрисида, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўраётган туркман халқи ҳозир қандай ҳаёт кечираётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Делегация аъзолари журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб беришди. Журналистлар бу республиканинг саноати, ирригация ишлари билан, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, халқ маорифи ва маданият проблемалари билан қизиқдилар.

Делегация билан бирга келган турким артистлари матбуот конференциясидан кейин концерт қўйиб беришди. Томошабинлар уларнинг концертини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Делегация 10 майда Онтарио вилоятига жўнайди ва бу вилоятдаги Торонто шаҳрига боради ҳамда Ниагара шаршарасини бориб кўради. Делегация Монреалга қайтиб келганидан кейин «Экспо-67» билан танишиб чиқишни давом эттиради ва 14 майда «Туркманистон ССР куни» байрамида қатнашади.

АҚШ ВА ЛАТИН АМЕРИКАСИ

Латин Америкаси мамлакатларидаги социал тузумнинг беқарорлиги, бу мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган эски ишлаб чиқариш муносабатлари, Латин Америкаси мамлакатлари миллий бойликларининг Америка империалистлари томонидан эксплуатация қилиниши билан боғлиқ бўлган бошқа қийинчиликлар халқларнинг оғир аҳволда яшашига олиб келаётганлиги ҳаммага маълум.

Латин Америкаси халқлари кайта ўзгаришлар учун интилишларини турли йўллар ва воситалар билан намойиш қилмоқдалар. Куба революцияси Латин Америкасида революцияларнинг янги даврини очиб берадиган процесса муҳим боскичдир. Ҳозир тарихий ривожланиш Латин Америкаси олдига ё янқилар ҳукмронлиги сақлаб қолинган ҳолда капиталистик йўлдан бориш ёки мавжуд иқтисодий ва сиёсий тузумни бартараф этган ҳолда миллий озодликка эришиш ва ундан кейин социализмга ўтиш йўлидан боришдек шартни қўймоқда.

Латин Америкаси халқлари иккинчи йўлни танлаб олишяпти. Америка монополиялари махаллий реакцион гуруҳларнинг сиёсий ҳукмронлигини зўр бериб мустаҳкамламоқдалар, репрессия аппаратларини кенгайтирмоқдалар. Латин Америкасида қонунлиги янги сиёсий кучларнинг келишига тўсқинлик қилаётган милитаристлар фаолиятини рағбатлантирмоқдалар. Бироқ, Латин Америкасида тараққиёт ишига тўсқинлик қилаётган бу кучлар халқ ҳаракати олдида ожизлик қилиб қолмоқда. АҚШ империализми ва прогрессив кучлар ўртасидаги зиддият борган сари кучаймоқда.

Латин Америкаси халқлари АҚШнинг Доминиканга Республикасига қуролли интервенциясини ҳали унутганича йўқ. Халқлар Жонсон ҳукуматининг Латин Америкаси мамлакатларига муносабатини нафрат билан кутиб олдилар. АҚШ томонидан Латин Америкасига «тараққиёт мақсадида иттифоқ» чегараларида кўрсатилаётган «ёрдам» амалда «тараққиётга қарши иттифоққа» айланиб қолди. Бу программа ҳукм сурган олти йил мобайнида Латин Америкаси мамлакатларидаги иқтисодий аҳвол анча ёмонлашиб кетди. Америка матбуотининг якдиллик билан тан олишига қараганда, бу программа унга билдирилаётган ишончни оқламади.

«Тараққиёт мақсадида иттифоқ» фаолияти якунларига тўхталиб, «Юнайтед стейтс ньюс энд уорлд рипорт» шундай деб ёзади: «Ғарбий ярим шардаги барча мамлакатлардаги тараққиёт кишини саросимага солади». Америкада кенг тарқалган «Тайм» журнали эса шундай деб ёзади: «Тараққиёт мақсадида иттифоқ» Латин Америкасида бойлар ва камбағаллар ўртасидаги жуда катта тенгсизликка барҳам бера олмади, нарх-навоғи жуда катта тафовутларнинг бекор қилинишига эриша олмади.

Латин Америкасининг ўзида «тараққиёт мақсадида иттифоққа» ишонч бутунлай қолмади деса бўлади. Бу «Иттифоқ» тараққиёт келтириди эмас, аксинча иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тўсқинлик қилмоқда. Буни фактлар тўла тасдиқлаб турибди.

Америкааро комитет томонидан «тараққиёт мақсадида иттифоқ» программасининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар йили тузиладиган докладда кўрсатилишича, ўтган йили Латин Америкаси мамлакатлари экономикасининг ривожланиши ахолининг ўсиш суръатларига эўрга етиб улгурди. 1966 йили аҳоли жон бошига товарлар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бир процентдан ошар-ошмас даражага етди (1961 йили «тараққиёт мақсадида иттифоқ» программаси қабул қилинган пайтда бу даражанинг ҳар йили 2,5 процент миқдорида ўсишига эришиш мўлжалланган эди). Латин Америкасидаги етакчи ва энг йирик мамлакатлар — Бразилия ва Аргентина, докладда кўрсатилишича, иқтисодий турғунлик ҳолатига тушиб қолди.

Ўзининг қулай иқлим ва табиий шароитларига кўра Латин Америкаси чет мамлакатларга озиқ-овқат маҳсулотлари чиқаришда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши лозим эди. Бироқ, Латин Америкаси мамлакатлари четдан ҳар йили 600 миллион доллар миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олмоқдалар. Деҳқонларнинг асосий қисми ердан маҳрум этилган, улар йирик ер эгалари қўлида ишлашади, жуда ҳам қашшоқ турмуш кечиришади.

«Тараққиёт мақсадида иттифоқ» программасига биноан 1970 йилга бориб, Латин Америкасидаги ҳар бир болага 6 йиллик таълим бериш мўлжалланган эди. Америкааро комитетнинг докладда айтилишича, бу амалга оширилмайдиган программадир. Расмий статистикага биноан 150 миллион латин америкаликка ўқиш ва ёзишни билмайди. Боливияда аҳолининг 66 проценти, Гватемалада 62 проценти, Никарагуада 50 проценти, Гаитида 90 проценти саводсиздир.

Яқинда АҚШ давлат департаменти «тараққиёт мақсадида иттифоқка» кирадиган мамлакатларга кўрсатилган Америка молия «ёрдами» 1961—1966 йилларда 6,5 миллиард доллари ни ташкил этди, деб эълон қилди. Бироқ, бу «ёрдам» нақоби остида АҚШ Латин Америкаси мамлакатларидан жуда кўп миқдорда процент олади. 1960—1966 йиллар мобайнида Латин Америкаси мамлакатларининг давлат қарзи икки баравар кўпайди.

АҚШ Латин Америкасига молиявий «ёрдам» бераркан, бу маблағ ҳисобига Америка моллари ва қурол-аслаҳалари сотиб олинишини талаб қилмоқда. «Латин Америкаси мамлакатлари,—деб ёзади «Тайм» журнали, — ҳозир жуда ҳам ноқулай аҳволда қолдилар — улар ҳар йили АҚШдан ёрдам сифатида 1,2 миллиард доллар пул оладилар, лекин 1,7 миллиард доллар миқдорида реактив қирувчи самолётлар, ҳарбий кемалар ва бошқа қурол-аслаҳалар ҳарид қиладилар».

Америка империалистик доираларининг Латин Америкасига нисбатан ўтказаётган сиёсати шундай даражага етганки, ҳозир Латин Америкасида 130 миллион киши доимий очликда яшайди. Перу, Боливия, Эквадор ва бошқа мамлакатларда миллионлаб деҳқонлар очлик ва касалликдан қириліб кетмоқда. Латин Америкасидаги аҳолининг ярми ҳалигача врач қандай бўлишини билишмайди.

Худди ана шундай бир шароитда Уругвайдаги Пунтадель-Эсте шаҳрида Латин Америкаси мамлакатлари президентлари ва АҚШ президенти кенгаш ўтказдилар. Бу кенгашда АҚШ президенти Латин Америкаси мамлакатларидан тобора кўпроқ фойда олиш учун харакат қилган эди. Бироқ кўпгина мамлакатлар Америка империалистлари таклиф қилаётган ҳар қандай ёрдамга қарши чиқдилар, тенг ҳуқуқли ёрдам бўлишини талаб қилдилар. Латин Америкасининг меҳнат аҳли эса умуман кенгаш қарорларига норозилик билдириб, митинглар ўтказишди.

Латин Америкаси халқларининг синфий кураши тобора кучайиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари, ишчи ва хизматчилар, ўз мамлакатларининг реакцион синфларига қарши, йирик халқаро монополияларнинг эксплуатациясига, миллий суверенитет ва мустақилликнинг чегараланишига қарши чиқмоқдалар. Улар фаровонлик ва социал эркинлик учун, демократик озодлик ва меҳнаткашлар ҳамда уларнинг ташкилотларининг ҳуқуқлари таъминланиши учун курашмоқдалар. Латин Америкаси мамлакатларининг халқлари АҚШ империалистларининг сиёсатини бор тобора яхшироқ тушунмоқдалар ва унга қарши қаттиқроқ зарба беришга отланмоқдалар.

Е. БЛОК,

«Совет Ўзбекистони»нинг халқаро шарҳловчиси.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Хунвэйбинларнинг «Дунфанхун бао» газетаси Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 7 майда «Сичуан вилояти масаласини бартараф этиш хусусида» чиқарган қарори ҳақида хабар беради.

Бу қарорга мувофиқ Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ли Цзин-Цюань Хитой Компартияси Марказий Комитети ғарби-жанубий бюросининг биринчи секретари ва Чэнду ҳарбий округи (Сичуан вилояти) биринчи сиёсий комиссари лавозимларидан олиб ташланган. Ҳарбий округ қўмондони билан округнинг учинчи сиёсий комиссари ҳам ўз лавозимларидан олиб ташланган.

Сўнгги кунлар чет эл мухбирлари ва хунвэйбинларнинг матбуоти Хитойнинг ғарби-жанубида ва хусусан Сичуан вилоятида «маданий революция» тарафдорлари билан унинг мухолифлари ўртасида бўлаётган тўқнашувлар тўғрисида хабар берган эдилар. Армиянинг бир қисми партия комитетларига ҳужум қилган хунвэйбинлар билан шаофанларга қарши чиққанлиги тўғрисида маълумотлар эълон қилинди. Хунвэйбинлар ўз нашрларида бу қаршилиққа бошчилик қилган асосий шахс Ли Цзинь-Цюань эканлигини айтмоқдалар.

«Дунханхун бао» газетасининг хабарига кўра, Чундудаги 132-заводда 6 майда маоизедунчилар билан уларнинг мухолифлари ўртасида яна тўқнашув юз берган. Тўқнашувда милтиқ ва қўл гранаталари ишлатилган. Газетанинг хабар беришича, 100 дан ортиқ киши ярадор бўлган. Бир хунвэйбин — Пекин геология институтининг студенти ўлдирилган.

Турли манбалардан келаётган хабарларга кўра, Хитойнинг бошқа районларида, жумладан ички Монголияда ҳам Мао Цзэ-дун тарафдорлари билан унинг мухолифлари ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлмоқда. (ТАСС).

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ КЛУБИ

Республикамиз пойтахтида футбол ишқибозлари клуби ташкил этилишини спорт мухлислари кўпдан орзиқиб кутаётган эдилар. Яқинда футбол ишқибозлари клуби ташкилий комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Ташкилий комитет составига турли касб эгаларидан 9 киши киритилди.

Футбол ишқибозлари клуби олдида қандай вазифалар турибди? Футбол ишқибозлари клуби — ФИК футбол шинавандаларининг кўнгилли-оммавий жамиятидир. ФИК — комсомол ва спорт ташкилотларига актив ёрдам беради. Клуб ўз ишида жамият аъзоларининг ташаббусларига таянади.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидагидек, Тошкентда ҳам футбол ишқибозлари клуби Марказий «Пахтакор» стадиони қошида ташкил этилди. Клуб стадион партия ташкилоти ва маъмурияти раҳбарлигида иш кўради.

ФИК — футбол ишқибозларини қизиқтирган барча масалалар, Ўзбекистон футбол тарихига оид саволлар ва спорт ҳамкорлиги, дўстлик масалалари билан шуғулланади. Шунингдек ечилмаётган масалаларда ишқибозларга ёрдам беради.

ФИК — ташкилий комитети йиғилишида ҳозирча СТАТИСТИКА, ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ТАРИХИ ва СТАДИОНГА ЁРДАМ секциялари ташкил этилди. Кейинчалик ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ва ФОТОСУРАТЛАР секциялари тузилади.

Клубга 17 ёшга етган турли соҳада ишлаётган футбол ишқибозлари қабул қилинади.

Футбол ишқибозлари клубининг актив аъзолари кўпранка такдирланган нишон ва стадион маъмуриятининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланадилар. ФИК — аъзоларига билет ва нишон берилади.

Клубни ташкил этиш олдидан Ўзбекистон ССР Футбол федерацияси ўз вакилини Москвага, Лужникидаги В. И. Ленин номли стадион қошида ташкил этилган футбол ишқибозлари клуби тажрибаларини ўрганиб келишга юборган эди. Бу, Тошкент клубида ишни ташкил этишимизда катта фойда беради.

А. БРОНШТЕЙН,

Ўзбекистон ССР футбол федерацияси президиумининг аъзоси.

ТЕРМА КОМАНДА ҒАЛАБАСИ

Ўтган куни Глазго шаҳридаги Хэмдин—Парк стадионида СССР ва Шотландия футбол терма командаларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Мезбонлар ҳимоячиси Симпсон (ўз дарвозасига) ва яқиндагина терма команда составига киритилган талантли футболчи Фёдор Медвидь киритган икки тўп ўйин натижасини СССР футбол командаси фойдасига ҳал қилди.

ОБ-ҲАВО

Бугун Ўзбекистонда ҳаво очиқ келади. Шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳаво 25-26 даража иссиқ бўлади.

Фарғона водийсида иссиқлик сал пастроқ, яъни 22-26 даражада бўлади.

Тошкентда ҳаво бир оз ўзгариб туради, аммо ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат 25-30 даражагача кўтарилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — Енгил куйлар, 10.10 — Украин куйлари, 11.10 — «Фан ва турмуш» (радиожурнал), 11.25 — Концерт (бадиий ҳаваскорлар ижросида), 12.15 — Спорт, 12.30 — Қўшиқлар, 12.50 — СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси В. И. Рацек ҳикояси, 13.30 — Концерт, 16.10 — Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кундалиги, 16.20 — Татар куйлари, 17.00 — Концерт (талабларга мувофиқ), 18.10 — «Ленин йўли» (кантата), 18.30 — Концерт, 19.20 — Социалистик мамлакатлар куйлари, 20.00 — Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари бўйлаб радиосаёхат (рус.), 20.10 — Ўзбекистонда Венгер маданияти ҳафталиги олдидан (рус.), 20.45 — «СССРда маданий революция галабаси» (суҳбат), 21.25 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Ўзбек халқ куйлари, 22.40 — Шу кунниг ҳикоялари. С. Зуннунова. «Меҳр», 23.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимларининг талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Ҳамма нарсани билишни истайман** (тележурнал), 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Концерт** (Тошкент трикотаж фабрикаси бадиий ҳаваскорлари ижросида), 19.25 — **Ёшим йигирмада** (бадиий фильм).

20.50 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.55 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Ер ва эл**, 21.40 — **Илгор хўжаликда** (қозоқ типида), 22.00 — **Катталар ва кичиклар** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Расмли хикоялар** (кичкинтойлар учун), 18.20 — **Олий математика** (сиртдан ўқийтган студентлар учун ўқув эшиттиришлари программаси).

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 12/V да **Москва санъат усталарининг катта концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Сарвқомат дилбарим**, 13/V да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Қалам қошлигим**, 13/V да **Фарҳод ва Ширин.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

Севги давоси — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Жаҳаннам гирдобида икки йил — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Разведкачининг жасорати — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Уруш ва тинчлик — «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тоҳир ва Зуҳра — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 6 ва 10 да).

Вахтангов (ҳужжатли фильм)— «ФЕСТИВАЛЬ» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Сеҳрли халат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

Виждон амри билан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Чет эллик аёл — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10 да)

Жаҳаннам гирдобида икки йил — «ФЕСТИВАЛЬ».

Севги давоси — «ХИВА».

Ғазаб — КАФАНОВ номли.

Лайлак келди, ёз бўлди — «1 Май».

Қиш тонги — «ЎДАРНИК».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАВСУМНИНГ ЕПИЛИШИ ВА ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.

Москва цирки артистлари ва Ҳиндистон филлари аттракциони.

Ҳиндистон филларини ўргатувчи — **Анатолий Корнилов.** 13 майда кеч соат 7 яримда, 14 майда кундуз соат 12,3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Охунбобоев номли республика медицина

ЎҚУВ ЮРТИ

1967—1968 ўқув йилининг СИРТҚИ БЎЛИМИГА

фельдшер ва медицина ҳамшираси мутахассисликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Профилактик даволаш муассасаларида фельдшер-медбрат, акушер ва медицина ҳамшираси лавозимларида икки йил ва ундан кўп иш стажига эга бўлган, 7, 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотли ҳамма ёшдаги СССР гражданлари қабул қилинади.

Ўқиш муддати 7, 8, 9-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 4 йил, 10—11-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 3 йил.

Билим юртига кирувчилар (7, 8, 9-синф) она тили (диктант), она тили ва адабиёти (оғзаки), математика (оғзаки), 10 синф ҳажмида маълумотлилар—она тили (иншо), химия ва СССР тарихидан имтиҳон топширадилар.

Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган аризага қуйидагиларни қўшиб топширадилар: етуклик аттестати ёки гувоҳномаси (асл нусхаси): таржимаи ҳол, меҳнат дафтарчасидан кўчирма ва характеристика (корхона раҳбари тасдиқлаган бўлиши шарт), соғлиғи ҳақида медицина справкаси (286 форма), турар жойидан справка, учта фото сурат (3х4).

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳри, 19, Варнаулъская кўчаси, 9-уй (10-трамвай, 2-троллейбуснинг «Ишчилар шаҳарчаси» остановкаси).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ № 26. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 834469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216. Коммунистик тарбия — 831455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик—837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий аҳборот — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 839005, 833353. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

№ А — 110. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 01789